

Ўзбекистон деб аталган
шу табаррук заминга
эзгу ният билан бир
ниҳол эсмоқчи бўлсак,
уни айнан шу бугун
экишимиз керак.



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

Ислом КАРИМОВ 1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 23-aprel, chorshanba № 33 (8682)



ЯНГИ УНИВЕРСИТЕТ

зукко ва билимдон ёшларни
ўз бағрига чорлайди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йилнинг 24 мартда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида Инха университети ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳам-

Qaror va ijro

корликни кенгайтириш мақсадида Осиёдаги энг илғор таълим муассасаларидан бирининг Ўзбекистонда ташкил қилинаётганлиги тўғрисидаги хабар кўпчилик ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Тошкентдаги Алоқа тарихи музейида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Жанубий Кореянинг Инха университети маъмурияти ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида Инха университетининг ташкил этилишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

— Тошкент шаҳрида Инха университетининг ташкил қилинаётгани АКТ соҳасида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги икки томонлама мустақкам алоқаларнинг ривожланишида муҳим қадам бўлди, — дейди Инха университетининг қабул бўлими декани жаноб Ким Жонг Хо. — Университетимизга 1954 йили асос солинган бўлиб, айни кунда таълим муассасасида 20 йўналишда 20 мингдан зиёд талаба тахсил олади.

(Давоми 2-бетда.)

ТАСВИРИЙ САНЪАТ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида тасвирий санъат фестивали бошланди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислом

2014-yil — Sogʻlom bola yili

Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўлмалли ислохотлар жараёнида ёшларни буюк аждодларимизга муносиб, ҳар жиҳатдан етуқ ва баркамол, ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

(Давоми 5-бетда.)

ЭРТАМИЗ БУГУНДАН ГЎЗАЛ БЎЛАДИ

2014 йилги Инвестиция дастури асосида Қорақалпоғистон Республикасидаги 10681 ўринга мўлжалланган 25та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

3-бет

ЎЙИНЧОҚ ОВУНЧОҚ ЭМАС

балки бола идрокини ривожлантириш воситасидир
Бугунга қадар таълим-тарбия жараёни сифатини оширувчи бу каби ўйинчоқлар тўплами юртимиздаги 4800та тайёрлов гуруҳларига 700 нусхадан етказиб берилди.

6-бет

ЙЎЛЛАР РАВОН, МАНЗИЛЛАР ЯҚИН

Зотан, йўлсозликдек мураккаб соҳа тараққиёти бардавомлигини илм ва амалиёт уйғунлигида тахсил олган салоҳиятли ёш мутахассислар зиммаларига олишаётир

8-9-бетлар

O'zbek Milliy akademik drama teatrining 100 yilligi oldidan

ҚУТЛУҒ ДАРГОҲ

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш, ёш истеъдодларни тарбиялашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Шу мақсадда маданият ва санъатни ривожлантиришга, халқимиз маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор ва ғам-хўрлик кўрсатилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 январда қабул қилинган «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори юртимизда маданият ва санъат ривожига қаратилаётган эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

ЎЗА муҳбири адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Наим КАРИМОВ билан мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳақида суҳбатлашди.

— Президентимизнинг «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизнинг ижтимоий-маданий, маънавий ҳаётида ғоят муҳим воқеа бўлди, — дейди Н.Каримов. — Зеро, ушбу ҳужжат жорий йилда 100 йиллиги нишонланадиган Ўзбек Миллий академик драма театри тарихида янги ижодий юксалиш даври бошланишидан далолат беради.

Истиқдолнинг дастлабки

йилларидан театр санъати ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 1995 йил 20 октябрда «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 1998 йил 26 мартда «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармонлари қабул қилинди. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида Президентимизнинг ташаббуси билан Ўзбек давлат академик драма театри биноси бутунлай янгидан қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. Санъат даргоҳининг зал, сахна ва бошқа хизмат хоналари замонавий меъморий-технологик талаблар асосида жиҳозланди.

(Давоми 5-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сеулнинг "JoongAngIlbo" нашри рейтингда Инха университети Кореянинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлайдиган энг пешқадам таълим муассасалари бешталигидан, шунингдек, 2014 йили жаҳон миқёсида ўрганилган таълим даргоҳлари орасида мазкур йўналишда энг илгор университетлар юзталигидан жой олди. Таълим муассасаси билим олишга иштиёқи баланд талабаларни жамлаш шiori асосида фаолият юритапти. Ўқув амалиёти ва илмий изланишлар давлат аҳамиятидаги илмий марказларда олиб борилади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, ахборот технологиялари йўналишида Инха университети билан бир неча йиллардан буён самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, жорий йилнинг январь-февраль ойларида Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда муассасанинг худудий филиалларидан саралаб олинган 10 нафар ёш иқтидорли ўқитувчи Жанубий Кореянинг Инха университетида махсус дастур асосида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича замонавий билим ва кўникмалари-

ЯНГИ УНИВЕРСИТЕТ

зукко ва билимдон ёшларни ўз бағрига чорлайди

ни ошириб қайтди. Кенг қамровли ҳамкорликнинг узвий давоми сифатида янги таълим даргоҳи жорий йилда техниканинг энг сўнги қулайликлари билан жиҳозланган ўқув биноларида, Тошкент шаҳри Зиёвлар кўчасидаги 9- ҳамда 13- "А" уйда фаолиятини бошлайди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тарих институти ҳамда "Фан" наشريётининг собиқ биноларида кенг қўламли капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари олиб борилаётган. Университетнинг янги ўқув мажмуида ўқув бинолари билан бир қаторда, талабалар ҳамда хорижлик мутахассислар учун тураржой биноларини қуриш ҳам кўзда тутилган.

Тошкент шаҳрида Инха университети ташкил этиш бўйича муассасаларо комиссиянинг қарорига мувофиқ, ўрта мактаб (11 йиллик), академик лицей ва касб-хунар коллеж (12 йиллик)ларини тамомлаган йигит-қизлар синов-имтиҳон натижаларига мувофиқ, тўлов-шартнома асосида ўқишга

қабул қилинади. Университет тўлов-шартномасининг қиймати Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий олий таълим муассасаларида таълим олиш нархларига мувофиқ белгиланади. Шунингдек, имтиҳонларда юқори натижа кўрсатган абитуриентлар учун иқтисодиётнинг турли соҳалари бўйича корхоналар грантларини ажратиш ҳам режалаштирилган. Университетда дарслар инглиз тилида олиб борилишини инобатга олган ҳолда, абитуриентлардан IELTS (Халқаро инглиз тили тест тизими)да инглиз тилини 5,0 балл даражасида билиш талаб этилади.

Абитуриентлар жорий йилнинг 7 майдан 21 июнигача Тошкент шаҳридаги Инха университетининг расмий веб-сайтида онлайн рўйхатдан ўтишлари керак.

Сўнгра абитуриентлар 2014 йил 6 июндан 20 июнгача, Тошкент вақти билан 18.00га қадар университет қабул комиссиясига зарур ҳужжатларни тақдим этишлари лозим. Қабул комиссиясига тақдим этиладиган ҳуж-

жатлар рўйхати ҳам мазкур сайтда кўрсатилган.

Университетга кириш учун абитуриентлар 6 июль кuni математика ҳамда физика фанларидан ёзма, 27 июлда инглиз тилида оғзаки (сухбат шаклида) имтиҳон топиришади. Имтиҳон жавоблари 8 август кuni эълон қилинади. Имтиҳон саволлари Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими (академик лицей ва касб-хунар коллежлари) муассасаларига мўлжалланган ўқув дастурлари асосида тузилади.

Тошкент шаҳридаги Инха университетининг 2014/2015 ўқув йилидаги ilk дарслари жорий йилнинг 1 октябридан бошланади. Шу кuni таълимнинг 3та — компьютер инжиниринг, дастурий инжиниринг ва компьютер тармоқлари инжиниринг йўналишлари бўйича 2та факультетда 150 нафар бакалавр дастлабки сабоқларни олишга киришади.

Таълим муассасасида ўқув таълимнинг кундузги шаклида Инха университети (Корея Республикаси) ўқув режала-

ри ва дастурларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ўқиш давомийлиги — 4 йил.

Тошкент шаҳридаги Инха университети қабул комиссияси Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги Умид кў-си, 1- "А" уйда жойлашган Турин политехника университети қoшидаги академик лицейда фаолият кўрсатади.

Айтиш жоизки, шу йилнинг 29 апрелига қадар юртимиздаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Тошкент шаҳридаги Инха университети фаолиятига бағишланган тарғибот лойиҳаси, 29 апрель кuni барча ОТМ, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари, абитуриентлар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирокида видео-конференция ташкил этилиши кўзда тутилган.

Матбуот анжумани якунида ташкилотчилар журналистларнинг университетда таълим тизимининг ташкил этилиши, абитуриентларни саралаб олиш жараёни, кириш имтиҳонлари билан боғлиқ саволларига атрофлича жавоб беришди.

Қурбонбой МАТКУРБОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Умумтаълим мактабларида таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш мақсадида кенг қўламли иш-хотлар амалга оширилмоқда. Салоҳиятли педагоглар фаолият юритаётган муассасаларда ташкил этилган «Маҳорат мактаблари» таълимни сифат жиҳатдан юксалтиришга, янгица ўқитиш методларини ишлаб чиқиш, амалиётда қўллаш ва энг илгорларини оммалаштириш имконини берапти. Бунда ўқитувчи-мураббийларнинг ўзаро тажриба алмашуви ҳам қулай муҳит яратилган.



«МАҲОРАТ МАКТАБИ»ДА ОШАЁТГАН ТАЖРИБА

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 125-умумтаълим мактабида бу борада қўллаб ижобий натижалар қўлга кирилган. Таълим муассасалари ўқитувчилари тажрибаларини оммалаштириш мақсадида «Маҳорат макта-

лари» асосида умумий ўрта таълим муассасаларини инновацион ривожлантириш ва таълим самарадорлигини ошириш мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Тадбирда мактабнинг география фани ўқитувчиси Дилноза Ҳасанова тундаги фан ўқитувчилари билан ўз тажрибаларини ўртоқлашиб, интерфаол методлардан намуналар намойиш этди.

Шунингдек, семинарда география фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш, жараёнга инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш, ўқувчиларга зарур ахборотни етказиш усуллари ҳақида ҳам сўз борди.

Умида ЖУМАБОВЕВА

Б.РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.



Соғлом бола йили: МАЗМУН ВА МОҲИЯТ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ишхотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилдир» мавзусидаги маърузасини ўрганиш ва аҳоли ўртасида «Соғлом бола йили: мазмун ва моҳият» мавзусида тарғибот ишларини ташкил этиш бўйича ўқув-услубий видеоконференция бўлиб ўтди.

— Вазирлик томонидан қабул қилинган буйруқ асосида Юртбошимиз маърузабўйича олий саволларида 10 со-сус, касб-хунар саволларида эса 6 соатлик махсус курслар тегишли дастур асосида жорий йилнинг май ойида олиб борилади, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Фарҳод Ри-заев. — Мазкур курсларни ташкил этишдан мақсад маърузада белгиланган берилган, 2014 йилда халқимиз, жамиятимиз олдида турган долзарб вазифаларнинг мазмун-моҳиятини талаба ва ўқувчилар онгига сингдиришга қаратилган таълим-тарбия ишларини янада кучайтиришдан иборат.

Видеоконференцияда махсус ўқув курсларини ўқитиш ва аҳоли ўртасида «Соғлом бола йили: мазмун ва моҳият» мавзусида тарғибот ишларини олиб боришга жалб этилган профессор-ўқитувчилар билими, малакаси ва педагогик маҳоратига, жумладан, таълим технологияси ва ўқув-тақдимот техникасидан самарали фойдаланиш кўникмаларига қўйилган талаблар атрофлича муҳокама этилди.

Айтиб ўтиш жоизки, тарғибот гуруҳлари 14та худуд кесимида — 16та олий таълим муассасасида шакллантирилган бўлиб, улар тарғибот ишлари бўйича таянч маскан саналиб, гуруҳлар фаолиятини ташкиллаштирида, мувофиқлаштирида, услубий материаллар билан таъминлаб, мониторингини олиб боради. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, тарғибот гуруҳларига 65 нафар тажрибали профессор-ўқитувчи билан бирга, 55 нафар иқтидорли талаба ҳам жалб этилган бўлиб, улар мактаблар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари билан бирга корхона ва ташкилотлар, энг чекка туман ва қишлоқларда тушунтириш ишларини олиб борадилар.

Семинарда белгиланган вазифаларни тизимли тарзда йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилиб, саволларга атрофлича жавоб қайтарилди. Шунингдек, тадбирда Президентимиз маърузасини талаба-ёшларга ўргатишга ёрдам берувчи олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланиб, «ўқитувчи» наشريёт матбаа-ижодий уйи томонидан чоп этилган ўқув-услубий қўланманинг тақдими ўтказилиб, рисола муаллифларининг маърузалари ҳам тингланди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

2014-yil 23-aprel, № 33 (8682)

Мамаклатимизда таълим тизими жахон стандартларига мос ислох этиб борилаётгани натижасида ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод вояга етмоқда. Бу борада, айниқса, таълим муассасалари янгидан қурилиб, энг замонавий ўқув анжомлари, асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётгани муҳим ўрин тутди. Хусусан, 2014 йилда ҳам бунёдкорликлар жадал давом этапти.

— 2014 йилги Инвестиция дастури асосида Қорақалпоғистон Республикасидаги 10681 ўринга мўлжалланган 25та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бўлим бошлиғи Бекбай Калимбетов. — Шу мақсадлар учун жами 16512,483 миллион сўм ажратилиши белгиланган. Бундан ташқари, Президенти-мизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги «Ислом тараққиёт банки ишгирида «Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Тўртқўл туманида 216 ўринли янги мактаб барпо этиш, Шуманай туманидаги 9, Эллиққалъа туманидаги 18-умумтаълим мактабларини янгидан қуриш кўзда тутилган.

ЭРТАМИЗ БУГУНДАН ГЎЗАЛ БЎЛАДИ

Объектда жами 1 миллиард 620 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари-ни бажариш белгиланган бўлиб, шу кунгача 460 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди.

Инвестиция дастурига мувофиқ капитал реконструкция қилинаётган муассасалардан бири Тўртқўл туманидаги 5-санаторий типидagi мактаб-интернатдир. Бу ерда икки қаватли ўқув биноси ва уч қаватли тарбияланувчилар ётоқхонаси қайта қурилмоқда. Қурилишни маҳаллий «Келажак иншооти» МЧЖ корхонаси бинокорлари олиб борапти. Фарзандлари таълим олаётган иморат янги қиёфа касб этаётганидан мамнун бўлган маҳалла фаоллари, ота-оналар ва ўқитувчилар қурувчиларга яқиндан ёрдам бериб, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

— Объектда жами 1 миллиард 620 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш белгиланган бўлиб, шу кунгача 460 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди, — дейди жамоатчилик назорати комиссияси аъзоси, мактаб-интернат директори Нурилла Рўзимов. — Барча синфхоналар зарур жиҳозлар билан тўла таъминланмоқда, замонавий русумдаги компьютер жамланмалари олиб келинди. Қурилиш ниҳоясига етгач, физика, кимё, биология фанларидан ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, чет тили хонаси учун лингафон ва бошқа зарур анжомлар келтирилади. Сентябрь ойида компьютерларимиз «ZiyoNET» таълим тармоғига улангач, мактаб-интернати-мизнинг веб-сайтини очишни режалаштираёмиз.

Мaktabga e'tibor — kelajakka e'tibor

Таълим муассасасида ўғил-қизларнинг чуқур билим олиши, замон билан тенг қадам ташлаши баробарида спорт билан шуғулланиши учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

— Спорт соғлом турмуш тарзини шакллантиради, — дейди мактаб-интернат тарбияланувчиси Мурод Хўжаевнинг онаси Феруза Содирова. — 12х24 ўлчамли янги спорт зали қурилаётгани фарзандларимиз учун катта совға бўлди. Чунки спортга қизиқмайдиган, у билан ошна тутинмаган боланинг ўзи йўқ. Фақат уларга тўғри йўл кўрсатиш, қизиқш ва қобилиятини йўналтириш лозим.

Келгусида муассасада ўнга яқин спорт тури билан шуғулланиш имкони яратилади. Шу боис мактаб мутасаддилари ва жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ҳозирданоқ спорт тўғрақларини ташкил

этиш режасини тузмоқда. Бу борада ўғил-қизлар ва ота-оналар тақлифлари ҳам ўрганилаёпти.

Бугунги кунда мактаб-интернатда 212 тарбияланувчи 26 нафар педагогдан таълим-тарбия олмақда. Ўғил-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, касб-ҳунарга йўналтириш ва хорижий тилларни ўргатиш мақсадида «Full English» «Компьютер саводхонлиги», «Ёш адабиётчилар», «Чевар қўллар», «Ёш қаламкашлар» каби тўғрақлар ташкил этилган. Янги бино барпо этилгач, имкониятлар янада кенгайди.

— Фарзандларимизнинг порлоқ келажagini ўйлаб амалга оширилаётган бу каби эзгу ишларга ҳисса қўиши бизга катта қувонч ва юксак масъулият юклайди, — дейди жамоатчилик назорати комиссияси аъзоси, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фотима Рўзимова. — Қурилиш жараёнини кузатиб, завқланиб кетасан, киши. Мактаб биноси нафақат туманимиздаги, балки республикамиздаги энг бежирим ва чиройли иморатлардан бирига айланади. Янги қиёфа касб этаётган тураржойдаги ҳар бир хонада 4-5 нафардан тарбияланувчи ётиб ўқиши ва даволаниши кўзда тутилган. Касалликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, жисмоний тарбия, рационал овқатланиш, ўқиш ва дам олишни режалаштириш, гигиеник кўникмаларни ҳосил қилиш, бир сўз билан айтганда, тиббий маданиятни юксалтиришга катта эътибор қаратилган. Тарбияланувчилар соғлиғининг яхшиланишини кўзлаб, ўқув ва ётоқхона биносидида алоҳида ювиниш, кийиниш хоналари қурилмоқда. Муассасада таълим-тарбия олаётган ўғил-қизлар ҳам бундай шароитларга муносиб бўлиб вояга етишишга шубҳа йўқ.

Бунёдкорлик энг улуг амаллардан. Мактаб қуриш эса янада савобли иш. Юрти-мизда қад кўтараётган шундай бежирим ва замонавий таълим муассасаларига боқиб, эртанг бугундан ҳам гўзал бўлишига ишонч ортди қалбимизда!

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Шу кунларда Жиззах шаҳридаги «Уратепалик» маҳалласида ўзгача шукӯҳ кезиб юрибди.

Каттаю кичик ҳар бир маҳалла аҳли, айниқса, ўқувчиларнинг қувончи чексиз. Чунки ҳудуддаги 776 ўқувчи таълим олаётган 14-умумтаълим мактабининг 240 ўринга мўлжалланган филиали 2014 йилги Инвестиция дастурига биноан капитал реконструкция қилинмоқда.

ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ, КЎРКИ МУҲТАШАМ

Объектда қурилишни «Мамажоновлар» МЧЖ бинокорлари олиб борапти. Дастурга биноан бу ерда 1033,210 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш кўзда тутилган.

— Маҳалламизда янги ўқув иморатининг қад ростлашини анчадан бери орзу қилардик, — дейди маҳалла фаоли Тўрақул Давидов. — Барча замонавий шарт-шароитларга эга бинонинг барпо этилиши фарзандларимизнинг сифатли таълим-тарбия олишига катта қулайлик яратади. Иншоот сифатли қурилишини жамоатчилик асосида назорат қилиш мақсадида маҳалламиз оқсоқоллари ва мактаб маъмурияти ҳамкорлигида 7 кишидан иборат жамоатчилик гуруҳини тузди. Усталарнинг иши пухта. Қурилиш маҳсулотлари вақтида етказиб турилибди.

Қурилиш фирмаси раҳбари Азиз Мамажоновнинг таъкидлашича, иморатни тиклашда ўзимизда тайёрланаётган қурилиш ашёларидан фойдаланилмоқда. Бунёдкорликни сифатли бажариш учун муаммолар йўқ. Режага кўра, иморат шу йилнинг 1 августига қадар битказилади.

2014 йилги Инвестиция дастурига асосан капитал реконструкция қилинаётган таълим масканларидан яна бири Ғаллаорол туманидаги 58-умумтаълим мактабидир. 240 ўқувчига мўлжаллаб қурилаётган янги бино ҳамда 9х18 квадрат метр ўлчамдаги спорт залига пойдевор қўйилиб, девор кўтариш ишлари аллақачон бошланиб кетган. Тендер баҳоси 919,341 миллион сўмлик объектни «Мукамал қурилиш савдо» хусусий корхонаси қурувчилари бунёд этмоқда. Қурилиш ишлари бир маромда давом этиши учун материаллар захираси яратилган.

Зарбдор туманидаги 9-мактаб биноси ҳам таъмирталаб ҳолга келиб қолган эди. Инвестиция дастурига кўра даргоҳда 552,007 миллион сўмлик капитал таъмирлаш

ишлари бошланиб кетгани ўқувчию ўқитувчилар, ота-оналар қувончига сабаб бўлди. Айни пайтда «Мароқанд қурилиш» хусусий корхонаси бунёдкорлари таъмирни пухта ва пишиқ олиб борапти. Шу кунгача эшик-дераза ромларини алмаштириш, электр жиҳозларини ўрнатиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

— 2014 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ Жиззах вилоятидаги 13та умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилиниб, 5та мактаб капитал таъмирланади, — дейди вилоят халқ таълим бошқармасининг молия ва қурилиш бўлими бошлиғи Холмирза Носиров. — Уларнинг

**2014 йилги
Инвестиция
дастурига му-
вофиқ Жиззах
вилоятидаги 13та
умумтаълим мактаби
капитал реконструкция
қилиниб, 5та мактаб
капитал таъмирланади.**

барчасида ишлар белгиланган жадвал бўйича кетмоқда. Жамоатчилик асосида тузилган назорат гуруҳлари таълим масканларида қурилиш-таъмирлаш тадбирлари сифатли бажарилишини мунтазам кузатиб бормоқда.

Дастур асосида амалга оширилаётган бунёдкорликлар мактабларимизнинг бугунги ҳолатини янада яхшилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқувчи ва педагогларга зamon талаблари даражасида қулай шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган. Бундай ғамхўрликнинг амалий натижасини ҳис этган педагоглар ҳозирданоқ ёшларга сабоқ беришнинг илгор усулларини, янги педагогик технологияларни ҳаётга татбиқ этишга киришган. Мактаблар ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда ҳам уларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Андижонда "Машинасозликда замонавий материаллар, техника ва технологиялар" мавзусида халқаро илмий-техникавий анжуман бўлиб ўтди.

Машинасозлик корхоналари раҳбарлари, техника йўналишидаги олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган анжуманда "Материалшунослик, янги материаллар ишлаб чиқариш ва прогрессив технологиялар", "Машинасозлик жараёнлари ва жиҳозлари, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш", "Транспорт лойиҳаларини лойиҳалаштириш, эксплуатация ва таъмирлаш ҳамда ишончлилиги", "Замонавий муҳандислик таълим муаммолари" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Мамакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар атрофлича таҳлил қилинди.

Тадбир доирасида "Олий таълим муассасалари, фан ва ишлаб чиқаришни жадаллаштириш: долзарб муаммолар ва уларни ечиш йўллари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда юртимизнинг етакчи олим ва мутахассислари ҳамда Германия, Россия, Жанубий Корея, Хитой ва Қозғистон сингари қатор давлатлар олимлари онлайн-мулоқот орқали фаол иштирок этди. Умуман, иштирокчилар томонидан бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, илмий ҳамкорлигини мустахкамлаш, ишлаб чиқаришга илгор технологияларни жорий этиш, айниқса, таълим тизими самарадорлигини ошириш, малакали мутахассислар тайёрлаш юзасидан таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

❖ Наманган тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, туман ҳокимлиги, прокуратура, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Унда 70 корхона, ташкилот ва муассаса 360 дан зиёд бўш иш ўрни билан иштирок этди. Жумладан, "Рисолат таъмир қилиш" жусуий корхонаси, "МРТ Текстиль" қўшма корхонаси, туман халқ таълими бўлими муассасалари томонидан ўнлаб иш ўринлари таклиф этилди.

Тадбирда 93 нафар фуқарога ишга кириш учун йўланма берилди. Иштирокчилар меҳнат, ижтимоий муҳофаза қонунчилиги, яратилаётган иш ўринлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди.

— Ирвадон ижтимоий касб-хунар коллежининг мактаб ва синфдан ташқари тарбия ишлари йўналишида таҳсил олмакдаман, — дейди ярмарка иштирокчиси Шаҳодат Орипова. — Яқинда мутахассислик дипломи қўлимизга тегади ва мен олдиндан иш ўрним тайин бўлганидан жуда хурсандман. Тумандаги 33-мактабгача таълим муассасасига ишга йўланма олдим.

❖ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2-республика тиббиёт коллежида "Ёшлар ва қонун" деб номланган маърифий-хуқуқий анжуман ташкил этилди.

Ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтидор ва имкониятларини қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик масалаларига бағишланган тадбирда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, ички ишлар идоралари ходимлари, пойтахт маҳаллалари фаоллари, ота-оналар иштирок этди.

Анжуманда ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш жияноятчилиги ва ҳуқуқбузарликка қарши курашининг самарали усули экани, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлигини янада кучайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда ёшларга оид қонунчилик бўйича соҳа мутахассисларининг интерфаол шаклдаги чиқишларини кўпайтириш, ўғил-қизларни "оммавий маданият" таъсирларидан ҳимоя қилишда оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

❖ Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида иқтидорли ёшларнинг фан ҳафталиги бошланди.

Тадбир доирасида "Фан ва техника тараққиётида интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ўрни" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда талабаларнинг механика, машинасозлик, геология ва қончилик иши, авиасозлик, нефть-газ, саноат экологияси, энергетика, электроника, автоматика, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, менежмент ва бошқа соҳалардаги илмий излашларига оид маърузалар тингланди.

Фан ҳафталиги давомидида ёш олимлар ва талабалар VII Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида иштирок этади, унда имзоланган ҳамкорлик шартномалари муҳокама қилинади. Анжуман якунида "Энг яхши инновацион гоғ", "Энг яхши маъруза" номинациялари бўйича танловлар ғолиблари аниқланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Юксак маънавиятли, малакали кадрлар

соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшади

Ички ишлар вазирлиги академиясида "Мақсадимиз — қонун устуворлиги асосида хизмат қиладиган юксак маънавиятли малакали кадрлар тайёрлаш" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида юртимизда ҳар томонлама эл-юрт осойишталигини таъминлашга қодир, тинчлигимизни кўз қорачидек асраб-авайлашга шай, етук малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганини алоҳида эътироф этишди. Чунончи, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ИИВ академияси олий маълумотли ички ишлар идоралари

ри ходимларини тайёрлаш, улар малакасини оширишда Марказий Осиёдаги нуфузли, бой тажриба, замонавий ўқув моддий-техник база ва илмий салоҳиятга эга олий таълим масканлари қаторида туради.

Жонли мулоқот шаклида давом этган анжуманда қайд этилганидек, мазкур таълим масканида шу кунгача ўн мингдан ортиқ юридик маълумотли мутахассис кадр, жумладан, олий академик курсларда 560

нафар раҳбар кадр, сержантлар тарихини тайёрлаш олий курсларида ўн мингдан зиёд сержантлар тайёрланди. Малака ошириш факультетида ички ишлар идораларининг 20 мингдан зиёд ходими малака ошириб, қайта тайёрлашдан ўтди.

Тадбир давомидида иштирокчилар академияда яратилган шарт-шароитлар, таълим олиш имкониятлари билан яқиндан танишиш баробарида, профессор-ўқитувчилар ва тингловчилар билан бевоқиф мулоқотда бўлиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Хайриддин МУРОД,
"Ma'rifat" мухбири

Солиқ билимлари — болаларга

Фарғона солиқ коллежида "Солиқ билимлари — болаларга" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар ўзаро беллашди.

Кўрик-танловда 1—4-синф ўқувчилари солиқ мавзусини суратларда ифодалаган бўлса, 5—9-синф ўқувчилари ўз ҳўқоялари орқали акс эттиришга ҳаракат қилишди. "Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати" мавзуси танлов иштирокчилари ёзган иншонинг бош мавзуси бўлди.

— Мазкур танлов орқали ўз билиминини бой-

итиш баробарида, қўллаб-тенгдошларим билан танишиш имконига эга бўлдим, — дейди Фарғона шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси, кўрик-танлов ғолиби Умрбек Тўйчибоев. — Танловнинг республика босқичида янада фаолроқ бўлишга ҳамда суратларимда мавзунини мазмунлироқ акс эттиришга ҳаракат қиламан.

Кўрик-танлов сўнгидида ҳудудий босқичда ғолибликни қўлга кириштиб, республика босқичига йўланма олган иштирокчилар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

МУХБИРИМИЗ

Сиз қонунни биласизми?

Навоий шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди. Унда Навоий шаҳридаги 8та академик лицей ва касб-хунар коллежи жамоалари беллашди.

Беш шарт бўйича ўзаро беллашган ўқувчилар ўз чиқишларида ҳуқуқий саводхонлигини намойён этиб, юртимизда қонун устуворлиги борасида амалга оширилаётган ишлар, ислохотлар ҳақидаги билимларини син-

новдан ўтказишди.

Танловда Навоий қончилик касб-хунар коллежининг "Адолат" жамоаси 1-ўринни, Навоий давлат қончилик институти қошидаги 2-академик лицейнинг "Либераллар" жамоаси 2-

ўринни ва Навоий техника ва иқтисодиёт касб-хунар коллежининг "Адолат" жамоаси 3-ўринни қўлга киритди. Кўрик-танлов ғолибларига ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Дилдора ҲАМРОЕВА,
Навоий давлат қончилик институти қошидаги 2-академик лицейнинг ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси

Тил ўрганиш усуллари муҳокамада

Наманган вилояти Учкўрғон туманидаги 34-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида бошланғич ва инглиз тили ўқитувчилари ҳамкорлигида ўқув-семинар ўтказилди.

Тадбирда 75 нафар илгор ва ижодкор педагог чет тилларни ўргатиш бўйича энг самарали тажрибаларини ўқувчилар билан ўртоқлашди. 34-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Дилноза Ёқубова «Бошланғич синфларда инглиз тилини ўргатишнинг ўзига хос жиҳатлари» мавзусида тре-

нинг машғулотини ўтказди. Жараёнда ўқувчиларда инглиз тилига бўлган қизиқишини кучайтириш, қиёсий равишда тил ўрганиш усулларини ҳамкасблари билан ўртоқлашди. Семинар-тренинг-да фаол иштирок этган ўқитувчилар ўз туманларида ҳам инглиз тили ва бошланғич синф ўқитувчилари ҳамкорлигида шундай тадбир ўтказишни, бундай тренинг машғулотларида янги-янги усуллар юзга чиқишини таъкидлашди.

Муаззам ФАЙЗИБОВА,
Наманган вилояти халқ таълими бошқармасининг бошланғич таълим методисти

Талабаларга ғамхўрлик

«Асак» банки(ОАЖ)да банк-молия, иқтисодиёт йўналишларида етук мутахассис кадрлар тайёрлаб беришчи олий ўқув юртлири томонидан тавсия этилган, тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабаларга имтиёзли таълим кредитлари сертификатларини топшириш тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, бундай кредитлар «Асак» банки томонидан 2014-2015 ўқув йили учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи микдориди имтиёзли шартлар асосида ажратилади. Имти-

ёзли кредитларни бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги «Олий ўқув юртлирида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Умида ИСМОИЛОВА

Иқтидорли ўқувчилар композицияси

Таълим муассасаларида ёзувчи-шоирлар, олим-санъаткорлар ва спортчилар билан ўтказилаётган адабий-бадний, маънавий-маърифий учрашувлар, давра суҳбатлари ёш авлодининг интеллектуал салоҳияти юксалишида муҳим ўрин тутмоқда.

Пойтахтимиздаги 46-мактабда ўтказилган навбатдаги учрашув шоир ва ёзувчилар билан бўлиб ўтди. Дастлаб тадбирга ташиф бюрорган таниқли ижодкорлар ёшлар маънавиятини юксалтиришда мутолаанинг ўрни, болалар адабиётига берилаётган эътибор жусусида гапириб ўтдилар. Шундан сўнг саҳнага ўқувчилар чиқиб келишди.

Ҳар бир синфдан энг иқтидорли ўқувчилар она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Насиба Қодирова бошчилигида ушбу адабий кечага пукта ҳозирлик қўришди. Ўқувчилар болалар адабиётига оид ҳўқия ва шеърлар, матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолалардан фойдаланиб адабий композиция намоиш этишди. Китоблар ва матбуот нашрларидан фойдаланишда уларга мактаб кутубхоначиси Зулфия Каримова яқиндан ёрдам берди.

Шоирлар шеърлари билан айтилган қўшиқлар, ижро этилган рақслар кечага ўзгача фазй киритди.

Гулнора АЛИМУХАММЕДОВА,
мактаб ўқитувчиси

2014-yil 23-aprel, № 33 (8682)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Юртбошимиз мазкур санъат кошоначининг очилиш маросимида ушбу маърифат маскани ўзбек театр санъатининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштириб, уни юксак поғоналарга кўтарган ва буюк санъаткорларни етказиб берган муқаддас даргоҳ эканини таъкидлади ва театрга "Миллий театр" мақоми бериш ва унинг бундан кейин "Ўзбек Миллий академик драма театри" деб аталиши ҳақида таклиф билдирди. Шундан сўнг кўп ўтмай 2001 йил 21 сентябрда "Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига Миллий театр мақоми бериш тўғрисида"ги Президент фармони эълон қилинди.

— Театр юбилейи муносабати билан ушбу маърифат даргоҳининг асосчилари, улар яратган ижодий мактаблар хусусида ҳам мухтасар сўзлаб берсангиз.

— Махмудхўжа Бехбудийнинг "Падаркуш" драмаси 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги "Колизей" театрида илк бор намоиш этилиб, юртимизда миллий театр санъати вуҷудга келган. Кейин бу асар бошқа шаҳарларда ҳам намоиш этилган. Мазкур асар таъсирида Абдулла Қодирий, Ҳожи Муин сингари адиблар илк бор драматургияга кириб келган ва миллий театр арбоблари-

нинг дастлабки авлоди шакллана бошлаган.

Уша тарихий кундан бошлаб ҳозирга қадар Миллий театримиз гоёат катта йўлни босиб ўтди. Шу даврда неча ўнлаб етук режиссёрлар, атоқли актёрлар, истеъдодли рассомлар етишиб чиқди. Улар ва уларнинг издошлари ўзбек театр санъатининг шаклланиши ва камолга етишига катта ҳисса қўшди.

Миллий театр тарихи тўғрисида сўз борганда, Абдулла Авлоний асос солган "Турон" жамиятини тилга олмай илож йўқ. 1913 йили тузилган бу жамият қошида кўп ўтмай "Турон" театр труппаси ташкил этилади. Бу труппа "Падаркуш"ни сахналаштириш билан ўз фаолиятини бошлайди. 1914 йил охирида труппа "Туркистон" номи билан Фаргона водийсига гастролга боради. Ўзбек театрининг бу талоқ даврида, табиийки, малакали драматург, режиссёр ва артистлар деярли бўлмаган. Аммо янги санъат турига бўлган муҳаббат ва эътиқод фидоийлик билан қўшилиб, бу соҳага бир қанча ёш санъаткорлар кириб келади. Кейинчалик улар устоз даражасига кўтарилиб, ўз мактабларини яратди. Обид Жалилов, Олим Хўжаев, Шуккур Бурҳонов, Фани Аъзамов, Наби Раҳимов, Лутфулла

Нарзуллаев сингари ўнлаб етук санъаткорлар ўша мактабдан чиққан.

Ҳозир театр ижодий жамоасида авлодлар алмашилиши жараёни кечмоқда. Шундай пайтда устозлардан қолган энг яхши анъаналарни сақлаб қолиш ва давом эттириш, уларни замонавий руҳда бойитиш театр жамоаси олдидаги асосий вазифалардан биридир.

Миллий театрининг анъаналари фақат касбга садоқат ва фидоийликдангина иборат эмас. Доимо ижодий изланишда, юксалиш иштиёқида бўлиш, жаҳон ва миллий драматургиямизнинг энг етук асарларини сахнага қўйиш ва уларда роллар ижро этиш орзуси билан яшаш, ажойиб спектакллар билан томошабинларнинг маънавий олами-ни бойитиш шулар жумласидандир.

— Истиқлол йилларида ўзбек театр санъати ривожда оламшумул ўзгаришлар юз берди. Соҳа фаолиятини тубдан яхшилаш, пойтахт ва вилоятлардаги театрларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, актёрларнинг меҳнат қилиши учун замонавий имкониятлар яратиш борасида бекиёс ишлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Ана шундай ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар сама-

ралари тўғрисида нима дея оласиз?

— Президентимизнинг шу йил 22 январдаги қарори нafaqat Миллий театрда, балки ўзбек театр санъатида катта бурилишлар рўй беришига асос бўлиб хизмат қилди. Театр жамоаси давлатимиз раҳбарининг бундай меҳр-эътиборига жавобан репертуарни янги ва юксак савиядаги спектакллар билан бойитиши, янги ижодий-услубий изланишларни олиб бориши, истеъдодли режиссёрларни таклиф этган ҳолда улкан ижодий режаларни амалга ошириши керак.

Юртбошимиз "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда мамлакатимиз театрларида турли мавзу ва жанрларда кўплаб спектакллар яратилмоқда, ўзига хос ижодий изланишлар давом этмоқда. Айни пайтда театр санъатимизда бугунги ҳаётимизнинг замонамиз қаҳрамонлари образини ҳар томонлама чуқур очиқ берадиган, томошабинни ўзига тортадиган, ҳам драматургия, ҳам режиссура нуқтаи назаридан бадий юксак асарлар кам эканини тан олишимиз даркор. Юксак бадийят ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан сугорилган асарлар яратиш — барча санъат турлари каби театр

санъати учун ҳам асосий мезон бўлиши зарур. Бу мақсадга эришиш учун ёш ва истеъдодли драматург ва режиссёрлар, театр актёрларини тарбиялаб вояга етказиш долзарб вазифалардандир.

Халқимиз санъатни ва санъаткорларни юксак қадрлайди. Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган даврда бошқа санъат турлари каби театр санъатини ҳам тарғиб қилиш имкониятлари кенгайди. Театр санъатининг ўзига хос устун жиҳатлари кўп. Саҳнада актёрнинг томошабин билан бевосита мулоқоти асарнинг таъсирчанлигини оширишга, шу билан бирга, эзгу ғояларнинг томошабин қалбига кириб боришига хизмат қилади. Таъбир жоиз бўлса, томошабин спектаклда роль ижро этаётган актёрлар билан бирга яшайди. Бу жараённинг завқини таърифлаш қийин.

Миллий театримизга қаратилётган юксак эътибор тўғрисида санъат аҳлининг халқимиз олдидаги масъулияти янада ошади. Уйлайманки, отахон театримиз санъаткорлари, бутун мамлакатимиз санъат аҳли бу ишонч ва эътиборга муносиб ижод қилади, даврга мос, томошабинларни, айниқса, ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган саҳна асарлари яратади.

ЎЗА мухбири
Абдулжолот ТАЙПАТОВ
сўхбатлашди.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда ёш авлодга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, уларни ватанпарварлик, фидоийлик, миллий анъана ва қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялаш, бадий-эстетик диди ва тафаккурини тўғри шакллантириш, маънавиятини юксалтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида"ги қарорига асосан бадий таълим йўналишидаги ўқув масканлари тўлиқ капитал таъмирланиб, улар зарур ўқув-услубий жиҳозлар, техник воситалар билан таъминланди. Рассомлик, ҳайкалтарошлик синфлари, компьютер графикаси каби замонавий санъат турлари билан шугулланиш учун қўшимча синфлар, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, қандакорлик ва металл ишлов бериш, зардўзлик буюмлари, макраме, гообен ва гиламлар тайёрлаш бўйича кўплаб амалий санъат устоналари барпо этилди.

Бу жараёнда Ўзбекистон Бадий академияси ҳам ёш истеъдодларни кашф этиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қув-

ватлаш, фаолиятини юқори талаб ва мезонлар асосида йўлга қўйишга яқиндан қўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бу йил ўн биринчи марта ўтказилган анъанавий тасвирий санъат фестивали истиқлол йилларида юртимизда тасвирий санъат соҳасига кўрсатилган юксак эътибор ва унинг натижаларидан халқимизни баҳраманд этиш, болалар ижодиётини қўллаб-қувватлаш, янгидан-янги истеъдод соҳиблари фаолияти билан таништириш, ёшларнинг санъатга бўлган меҳри ва иштиёқини янада орттиришдан иборатдир.

Соғлом бола йилига бағишланган бу йилги фестивалда ёш мусаввирлар, ҳайкалтарош ва ҳунармандлар томонидан яратилган энг сара асарлар меҳрибонлик ўйлари, махсус мактаб-интернатларга тақдим этилади. Ушбу таълим-тарбия масканларининг тарбияланувчилари, ўқувчилари ҳам фестивал тadbирларига таклиф қилинди. Мазкур лойиҳа доирасидаги тadbирлар давомида алоҳида эҳтиёжли болалар учун рассомлар иштирокида маҳорат сабоқлари ўтказилиши кўзда тутилган.

Тасвирий санъатнинг ўзига хос марафони бўлган ушбу ижодий ҳафталик қизиқarli ва бетакор бадий дастурлар, концертлар, давра суҳбатлари, учрашувларга бойлиги билан аҳамиятлидир. Фестиваль доирасида миллий либослар, санъат ва маданиятимизга бағишланган фильмлар намоиш этилади.

Санъат ҳафталигида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган рассомлар ижоди ҳамда Бадий академия тизимидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилади. Самарқандлик кулол Шариф Азимовнинг шахсий кўرғазма-



си бўлади. Фестиваль доирасида япониялик ва озарбойжонлик ижодкорлар асарларидан иборат кўрғазмаларнинг ташкил этилиши ижодий лойиҳанинг кўлами кенглигидан дарак беради.

"Замонавий тасвирий санъат: анъана ва янгилик" мавзусидаги анжуманда ўзбек тасвирий санъатининг ривожланиш тамойиллари, ёш ижодкорлар фаолияти, улар изланаётган жанрлар муҳокама этилади. Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудига бағишланган ташкил этилган кўрғазма санъат ва шеърят ихлосмандлари учун ўзига хос тўхфа бўлади.

Ўзбекистоннинг сўлим табиятини, пойтахтининг бетакор гўзаллигини кўришни кўпдан буён орзу қилардим, — дейди озарбойжонлик ҳайкалтарош Ҳусайн Ахвердиев. — Бу табаррук замин Амр Темур, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб алломаларга бешик бўлган диёрдир. Ўзбек заминининг бетакор санъати ва ма-

данияти ҳар қандай ижодкорга илҳом бағишлайди. Юртингизда санъатга, санъат аҳлига кўрсатилган ғамхўрлик ва эътиборнинг амалий ифодасини ушбу фестивалнинг юксак савияда, кўтаркин руҳда ўтказилиши мисолида яқин кўриш мумкин.

— Фестивалда ўтган йили ҳам иштирок этганман, — дейди Республика рассомлик коллежининг 2-курс ўқувчиси Акбар Ёқубонов. — У ижодий ишларимизни танилиш рассомлар назаридан ўтказиш, устозларнинг маслаҳатларидан баҳраманд бўлиш имконияти яратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Тасвирий санъат фестивали юртимизнинг турли ҳудудларидан яшаб, ижод қилаётган мусаввирлар, халқ амалий санъати усталарининг ижод намуналаридан иборат катта кўрғазма билан бошланди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Аскар ЁҚУБОВ (ЎЗА) олган
суратлар.



“Соғлом бола йили” Давлат дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Унга кўра, МТМни бола моторикаси, мантикий фикрлаши ва эрта ёшдан ақлий салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган мантикий ўйинлар ва ўйинчоқлар, дидактик материаллар, кўргазмалар қўлланмалар билан таъминлаш кўзда тутилган. Бугунга қадар таълим-тарбия жараёни сифатини оширувчи бу каби ўйинчоқлар тўплами юрти-миздаги 4800та тайёрлов гуруҳларига 700 нусхадан етказиб берилди. Айни дамда тарбиячилар ўғил-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини оширувчи ўйинчоқлар тўпламларидан машғулот жараёнида умумий фойдаланмоқда. Куйида Шайхонтохур туманидаги 412-МТМда бу борада олиб борилаётган ишлар билан танишасиз.

Лолахон кўғирчоғи — Фарангизнинг сеvimли ўйинчоғи. У ҳар тонг боғчага бориб, тезроқ кўғирчоғини кийинтиришга, юз қўлларини ювишга оши-қди. Бошқа дугоналари катори Эъзо, Зайнаббегим ҳам кўғирчоқни фаслга мослаб кийинтиришни яхши билишад-ди. Чунки қизлар “Лолахон меҳмонга келди” ўйинида доим фаол иштирок этадилар. Бун-дай машғулотларда ўғил болалар ҳам ёғоч конструкциялардан катта-катта бинаоларни қуриб, барчани хайратда қол-диришди.

— Бола ҳаётининг иккинчи йилидан бошлаб атрофдаги нарсаларга муносабатда сезиларли ўзгаришлар юз бе-ради. Унинг руҳий ривожлани-шига ўйинчоқ билан бажарила-диган ҳаракатлари кучли таъсир кўрсатади. Ҳаракат кўникмалари ривожланишига хизмат қилувчи ўйинчоқлар ҳам бола идрокини ўстиради, — дейди Шайхонтохур туманидаги 412-МТМ психологи Дилфуза Ино-гомжоновна. — Шу боис ўйин-чоқлар бола ёшига қараб тан-ланиши, улардан маш-ғулотларда тўғри фойдаланиш кераклиги ҳақида муассасамиз тарбиячиларига тавсиялар бе-риб борамиз. Бола ўйнаётган-да унинг атрофида бир нечта ўйинчоқ бўлишини таъминлаш зарур. Масалан, 2—3 ёшли бо-лалар ўйинчоқ қисмларини ажрата олиши муҳим. 3—5 ёшда эса мозаика ва бошқа шаклларни осонлик билан те-

ЎЙИНЧОҚ ОВУНЧОҚ ЭМАС

**балки бола идрокини
ривожлантириш
воситасидир**

риши ва йиғиши, коптокни қўлида ушлаши, олдинга таш-лаши ва илиб олиши лозим. Бунда коптокни икки қўли билан баланда кўтариб туриш ва маълум нишонга (саватга ёки челака) отиши учун им-коният яратилади. “Лего” бўлакларида содда модел йи-ғиш ва 5—8 та қисмлардан пазлар ясашида сонлардан фойдаланилади. Мазкур жара-ёнда боланинг ўйинчоқларни йиғиши ва керакли қўтичага солишини рағбатлантириш ло-зим. 5—7 ёшдаги болалар коп-токни ўз шеригига турли ҳолатда иргитиши, бир жойда туриб ёки олдинга ҳаракатла-ниб, полга, ерга уриши, уни бир ёки икки қўли билан илиб олиши, бу жараёнда ча-пак чалиши ва бошқа топши-риқларни бажариши керак бўлади.

Мазкур муассасада ўйин-чоқларга қўйиладиган гигиеник

талабларга ҳам эътибор қара-тилади. Улар бола саломатли-гига ва ҳаётига хавф солмас-лиги, яхши тозаланган бўли-ши асосий талаблардан бири ҳисобланади. Ўйинчоқларнинг тузилиши ва безалиши тарби-яланувчиларнинг турли ёш босқичларида идрок этиш ҳу-сусятларига тўла мос кели-ши лозим. Бундан ташқари, тарбиячилар машғулотларда майда ва йирик моторикани ривожлантирувчи ўйинчоқлар-дан кенг фойдаланишади. Бу



ҳақда муассасанинг кичик гуруҳ тарбиячиси Хатират Ма-жидова шундай дейди:

— Шамсиддин, Азамат, Абу-бакрнинг гуруҳимизга келгани-га кўп бўлмади, лекин улар оз фурсатда ранглари ажрата олиши, сабзавот ва буюм но-мларини тўғри талаффуз қила-ётганидан ота-оналари мам-нун бўлишмоқда. Болаларни ҳар томонлама ривожланти-ришда ўйинчоқларнинг аҳа-мияти катта. Негаки, тўғри танланган ўйинчоқ ўғил-қиз-ларнинг жисмоний, ахлоқий, ақлий ва бадиий-эстетик тар-

Мактабгача таълим муассасаларида

бияси ривожига ижобий таъ-сир кўрсатади. Шунингдек, хилма-хил мозаикалар сенсор қўбилиятини ривожлантиради. Машғулотлар мобайнида ран-гли кубиклар, пирамидалар, геометрик шакллардаги ўйин-чоқлар, миллий кўғирчоқлар, кичик машина, картонкачи до-мино ва коптоклардан фойда-ланамиз. Бунда ичига нарсалар солинадиган коптокларнинг

ри), мозаика териш, ўйинчоқ тўпламларидан оддий конст-рукцияларни ясаш, кичик нарсаларни саватга жойлашти-риш ва ундан чиқариш, 5—7 бўлаклардан иборат минорача-лар қуриш боланинг ақлий ри-вожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўйинчоқ боланинг руҳий ривожланишига таъсир кўрса-тувчи энг кучли буюм ҳисоб-ланади. Улар болаларнинг нут-қий фаоллигини ўйғотиб, лугат бойлигини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, ўғил-қиз-ларнинг идрокни, диққати ва психологик ҳусусиятларини ривожлантирувчи ўйинчоқлар тўплами Халқ таълими вази-рлиги томонидан республика-миздаги барча МТМларга етказ-иб берилмоқда.

— Барча мактабгача таълим муассасалари болаларни фикрлашга ундовчи, майда ва йирик моторикани ривожлан-тирувчи мантикий интеллекту-ал ўйинлар тўпламлари билан таъминланаёттир, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси мактабгача таълим бўлими бошлиғи Ло-бар Дадабоева. — Жумладан, кичик гуруҳлар саккиз номда-ги ўйинчоқлар, яъни кўғир-чоқлар, кичик машиналар, ри-вожлантирувчи ўйинлар, кар-тонкачи домино, думалоқ пи-рамида, пишлоқ ва сичқон, сеҳрли болча ва DVD пле-ерлар билан таъминланди. Ўрта гуруҳларга эса кичик ма-шиналар, тематик лото, катта қурилиш мажмуи, картонкачи домино, геометрик шакллар берилди. Бу эса, ўз навбати-да, мактабгача таълим муасса-саларининг моддий-техник ба-засини бойитмоқда.

Энг асосийси, мактабгача таълим муассасаларида ўйин-чоқ болага оддий овунчоқ бўлиб эмас, балки унинг ин-теллектуал қўбилиятини оши-рувчи восита сифатида хизмат қиляпти.

Гүлзо ОРИФЖОНОВА,
“Ma'rifat” мухбири

Ўқитувчи ўзлаштирган билим-ларни амалиётга татбиқ этувчи факторларни кўрсатиши, буюк кашфиётлар, алломалар ҳаётиндан мисоллар келтириши, компьютер воситаларидан фойдаланиши, болаларнинг ўзаро бир-бирини ўқитишини йўлга қўйиши ўқувчи-ларда мотивацияни ривожланти-ришга хизмат қилад.

Масалан, “3 x 4” технологияси ўқув-чиларни аниқ бир муаммони (ёки мавзунини) яқка ёки кичик гуруҳларда фикрлаб ҳал этиш, ечимини топиш, фикрларни умумлаштириш ва улар асосида қўйилган муаммо ёки мавзу юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилишга, шунингдек, ўз фикрларини маъқуллай олишга ўргатади.

Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларнинг умумий сонига қараб, уларни 3-4 ки-шидан иборат кичик гуруҳларга ажра-тади. Шундан сўнг машғулотнинг мав-зуси, ўтказилиш тартиби билан таниш-тиради ҳамда ҳар бир гуруҳни тар-қатма материал, қўғоз, маркерлар бил-лан таъминлаб, бажариладиган вазифа шартлари, қанча вақт белгиланишини, гуруҳ аъзоларидан бири тақдирот ўтказишини тушунтиради. Ўқитувчи кичик гуруҳлар томонидан тақдирот-ларда берилган таърифлар ёки ҳоид-ларни изоҳлаб, уларни баҳолайди ва машғулотни аяқлайди.

Масалан, “Туб сонлар” мавзусидаги дарсни “3 x 4” технологиясида ўтқа-

«3x4» ТЕХНОЛОГИЯСИ

билимларни амалиётда қўллашга ўргатади

зиш тажрибасини олайлик. Даставвал ўқитувчи янги мавзунини эълон қилад, кичик гуруҳлар аъзоларини синф дос-каси олдида чиқариб, вазифани ту-шунтиради:

— Азиз ўқувчилар! Бугунги дарси-миз мавзуси: “Туб сонлар”. Сизларга топшириқ: бугун йилнинг қайси ойи ва санаси, ҳафтанинг нечанчи куни эканини белгилала оламиз. Шу ойнинг тўлиқ календарини ҳар бир гуруҳ мустақил тузиб чиқади. Мисол сифатида шу йил март ойининг 19-санаси, ҳаф-танинг chorshanбаси.

Ўқувчилар мартнинг тўлиқ календа-рини ишлаб 19-санани белгилала, кун-лар бўйича вертикал ва горизонтал йўналишларда ёзиб чиқади.

Д.	3	10	17	24	31
С.	4	11	18	25	
Ч.	5	12	19	26	
П.	6	13	20	27	
Ж.	7	14	21	28	
Ш.	1	8	15	22	29
Я.	2	9	16	23	30

Бажариб бўлганларга навбатдаги топшириқлар: 2, 3, 5, 7, 11, 13га бўли-надиган сонларни навбатма-навбат ус-тидан рангли маркерларда белгилаш ва бўлинмай қолганларининг тагига

чикиб чиқиш тушунтирилади. Гуруҳлар-га бўлинмай қолган сонларни алоҳи-да ёзиб чиқиш вазифаси берилди: 2; 3; 5; 7; 11; 13; 17; 19; 23; 29; 31. Ва-зифани тез ва тўғри бажарганлар бел-гилаб борилади.

Ўқувчиларга сонларнинг бўлувчиси-га эътибор қаратиш ва хоссасини аниқлаш топширилади. Бундай сон-ларнинг бўлувчилари фақат 1 ва ўзи эканлиги билдирилган, таъриф бе-ришлари сўралади. “Бир ва ўзига бўли-надиган сонлар туб сонлар дейилади” таърифини бошқа гуруҳдаги ўқувчи-лар ҳам такрорлашлари мумкин.

Ўқитувчи туб сонларни бу усулда аниқлаш қадимги юнон математиги Эротасфен томонидан кашф этилгани-ни, шунинг учун бу усул Эротасфен га-лври деб аталлишини тушунтиради.

Навбатдаги топшириқлар берилди: 1) 1 туб сонми? 2) кетма-кет жойлаш-ган бир жуфт туб сонлар фақат битта эканини аниқланг; 3) айирмаси 2 га тенг туб сонларни аниқланг каби...

Топшириқлар текширилгач, туб сон-ларнинг чексиз экани, кўп олимлар то-монидан хоссалари ўрганилгани ва умумий формуласи топилмагани маъ-лум қилинади.

Мустақил иш: 4 дан катта ва эгизак

туб сонлар орасидаги соннинг 6 га қар-тали эканини исботланг.

Ўқитувчи туб сонларнинг хоссалари, муаммони масалалари тўғрисида ўқувчиларга тўғрак машғулотида ту-шунтиришини айтиб, академик И.Вино-градов томонидан машҳур муаммо ечимини 200 йилдан кейин топилгани-ни қуйидагича баён қилад:

“Масаланинг тарихи шундай — 1742 йили Петербург фанлар академияси-нинг аъзоси Х.Гольдбах машҳур мате-матик Л.Эйлерга ёзган хатларида “5дан катта ҳар қандай натурал сонни учта туб соннинг йиғиндисига шаклида ёзиш мумкин. Масалан, $15 = 7 + 5 + 3$ ”, деган фикрни билдирган, аммо исбот қилма-ди ва математика фанида Гольдбах проблемаси деган ном олди. Бу му-аммо академик И.Виноградов томони-дан маълум, лекин етарлича катта сон-даги тоқ сонни учта туб соннинг йи-ғиндисига шаклида ёзиш мумкинлиги деярли тўла исбот қилинди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, таъ-лим жараёнида замонавий таълим те-хнологияларининг қўлланилиши, ўқув-чиларнинг талаб даражасидаги билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари ва ҳаётий вазиятларга мослаша олишлари, ўз қизиқишлари ва имкониятларига муносиб келадиган касб танловини аниқлашда ёрдам беради.

Акрам АКМАЛОВ,
педагогика фанлари номзоди,
доцент

2014-yil 23-aprel, № 33 (8682)

БАЛИҚЧИЛИК БИТИРУВЧИЛАР

яратилган имконият ва ғамхўрлик туфайли ўз
бизнеси ҳамда иш жойига эга бўлишмоқда

Ёш авлодни соғлом ва баркамол вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотларнинг тўб негизини ташкил этаётгани ҳаммага маълум. Шу ўринда Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт», деган фикрлари ёдга тушади. Айни мушоҳаданинг ҳаётида татбиқи мамлакатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва бу буйича қабул қилинган дастур ҳамда «Соғлом бола йили» давлат дастурида ўзининг амалий ифодасини топди. Чунинчи, мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда Балиқчи туманида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Еттига йўналиш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами аниқлаб олинди. Туман аҳолисининг 87851 нафарини ёшлар ташкил этади. Уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларидаги фаоллигини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-хунарларни эгаллашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш бўйича режалар белгиланди ва уларни амалга ошириш ишлари кадрига киришилди. Бу борада «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» тарғибот лойиҳаси тумандаги бирча корхона ва ташки-

лотлар кун тартибидан ўз ўрнини топди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши билан ҳамкорликда 8та касб-хунар коллежи битирувчилари ўртасида «Менинг бизнес ғоям» танлови ўтказилди. Шу йилнинг март ойи мобайнида 1524 нафар йигит-қиз танловда ўзларининг бизнес лойиҳалари билан иштирок этишди. Бу барча битирувчиларнинг салкам 50 фоизини ташкил этади.

Ана шу лойиҳаларнинг айримлари билан танишиш чоғида туман ёшларининг ке-

да фаолият юритмоқчи. Хапкидо бўйича Ўзбекистон чемпиони Зоиджон Раҳматуллаев эса спорт-соғломлаштириш марказини ишга тушириш ниятида. Бундай бизнес лойиҳалар ҳар қандай одамнинг тўққинлангириши табиий. Улар каби шижоатли, изланувчан ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бу йил туман миқёсида ажратилган имтиёзли кредитлар миқдорини кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Айтиш жоизки, «Соғлом бола йили»да туман бўйича 4,6 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Шундан 1385

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

лажакка ишонч, катта умидлар билан боқаётгани, она-Ватан тараққиётига ҳисса қўшишга дадил интилаётганига ғувоҳ бўлдик. Балиқчи индустриал-педагогика коллежи ўқувчилари Шахризода Мусабоева брикет кўмир тайёрлаш ва тикуччилик корхонаси, Ҳабибулло Маҳмудов эса мебель ишлаб чиқариш цехини ташкил этиш бўйича бизнес режа тузибди. Ҳабибулло «Менинг бизнес лойиҳам» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида ғолиб бўлиб, республика миқёсида чиққанлиги алоҳида эътирофга лойиқ.

Бу борада қизлар ҳам йигитлардан қолишмапти. Чунинчи, тиббиёт коллежи битирувчилари Нозима Тешабоева аёллар фитнес клуби, Шоҳсанам Турдалиева мевани қайта ишлаш корхонаси, индустриал-педагогика коллежи ўқувчиси Мохларой Орипова полиэтилен ип ишлаб чиқариш узасидан лойиҳа тайёрлабди.

Мутахассислиги ҳисобчи бўлган Шерзод Аҳмедов архитектура ва дизайн йўналишида, Улугбек Мирзаалимов миҳ ишлаб чиқариш бораси-

таси касб-хунар коллежлари битирувчилари учун мўлжалланган. Шунинг тенг ярмига қизлар жойлаштирилади. Жорий йилнинг 27 январида қабул қилинган туман ҳокимининг «Тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш тўғрисида»ги қарорига кўра, 414та квота иш ўрни белгиланган. 27та корхона, ташкилотларда 250та иш ўрни таълим муассасалари битирувчиларига аталган.

«2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» доирасида биринчи чоракда 742та янги иш ўрни яратилди. Шундан 423тасига ёшлар ишга жойлаштирилди. Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури бўйича эса 2 млрд. 351 млн. сўмлик қй-матдаги 55та лойиҳа амалга оширилиб, 259та янги иш ўрни вужудга келтирилди. Унинг асосий қисми саноат соҳасига тўғри келади.

Айни пайтда дастурнинг барча йўналиш ва бандлари бўйича амалий ишлар давом этмоқда.

Орифжон СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Юртимизда иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш, улар истеъдодини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшаётган таълим масканлари кўп. Улардаги шарт-шароитлар, бекаму кўст жиҳозланган ўқув-лаборатория хоналари ҳавасингизни келтиради. Жиззах давлат педагогика институтини қошидаги 2-академик лицей шундай таълим даргоҳларидан биридир.

Faxr

ИҚТИДОРЛИЛАР МАСКАНИ

Айни пайтда таълим масканида ўз касбининг устаси бўлган 74 нафар педагог 1052 нафар ўқувчига кўз нури ва қалб қўрини бағишлаб сабоқ бермоқда. Ўқувчиларнинг беш нафар профессор, беш нафари фан номзоди, 27 нафари олий тоифали ўқитувчидир. Лицейда ўқувчилар тўрт йўналиш бўйича тахсил олапти. Ёшлар пухта билим олиши учун барча имкониятлар мўжайё. Уларга 21та фан хонаси, 6 минг китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, спорт зали хизмат кўрсатапти. Ўқувчилар лицейдаги 12та фан, 7та спорт тўғрагида ўзлари қизиққан йўналиш бўйича шўғулланиб дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда.

Академик лицей ўқувчилари эришган муваффақиятлар ҳақида сўз кетганда, шу кунгача таълим масканининг етти нафар ўқувчиси Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлгани алоҳидада эътироф этилади. Жумладан, ёш муаллим Сайёра Муродова юртимиз иқтидорли қизларининг нуфузли мукофотини биринчи қатори олган ўқувчилардан. У 2000 йили «Мош ўсимлигининг тугунак бактериялари асосида трансформант штамларни олиш» мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди. Сайёра ўз тадқиқотида фойдали фаол микроорганизмлардан фойдаланиб унумдорлигини оширишда тўпроқ микроорганизмининг баъзи турларини қўллашнинг илмий-назарий асослари ва лаборатория регламентини ишлаб чиқди. Кейинчалик изланувчан педагог «Ўзбекистонда шўрланган тўпроқларнинг унумдорлигини ошириш» мавзусида докторлик ишини давом эттирди.

Сайёранинг изидан бориб, Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган ўқувчилардан яна бири Бахтижон Исроиловадир. У «Инглиз тили фанидан

тўғрақ машғулотларини олиб бориш», «Инглиз тили дарсларини самарали ташкил этиш» номли услубий ишланмалар муаллифи. Бахтижон серкюрра иқтидори туфайли қўллаб-танловларда фохри ўринларни эгаллапти. У «Нафосат» ёш қаламашлар кўрик-танловининг биринчи ўрин соҳиби, теннис бўйича нуфузли мусобақалар совриндори, фанлар олимпиадасининг фаол иштирокчиси. 2011 йили таълим грантлари дастурида ғолиб бўлиб, Оксфорд университетига тахсил олиб келди.

Спорт бўйича ҳам лицей ёшлари салмоқли ютуқларни қўлга киритапти. Жумладан, Бобур Айтбоев бокс бўйича Осиё чемпиони, Жалолиддин Уктамов Ўзбекистон чемпиони, Ўзбек жанг санъати ва қўл жанги бўйича Шахло Хошимова, Эркин Пулатов республика миқёсидаги қатор мусобақалар ғолибидир.

Лицей ўқувчиларининг бу ютуқларни қўлга киритишида жамоага кўп йиллардан буён раҳбарлик қилиб келётган тажрибали устоз, Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокировнинг салмоқли хизмати бор. Уминчи, меҳнат фаолиятини таълимга бахшида этган фидойи раҳбар инсоний фазилатлари, ёш ўқувчилар ва ўқувчиларга ғамхўрлиги билан намуна бўлапти.

— Касб маҳоратини, қўллаб-яхши хислатларини устоздан ўрганганимиз, — дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, «Дуслук» ордени соҳиби Облоқул Файзиёв. — У киши доим: «Лицей — бизнинг катта оиламиз. Оила аъзолари эса бир-бирининг ютуқларидан қувониб, баҳамжihat ҳаёт кечирishi келар», дейди. Бу сўзлар ўқитувчи ва ўқувчиларни бирдамликка, турли масалаларни бир тану бир жон бўлиб ҳал этишга ундайди.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЮТУҚЛАРИ БИСЁР

Хўжайили педагогика коллежи 2005 йили қайта реконструкция қилинган. Ҳозир биология фанидан битта, кимё ва физика фанидан иккитадан, жами бешта лаборатория, чет тили бўйича тўртта (2та инглиз, 2та рус тили) лингвфон, битта локал тармоққа уланган компьютер хонаси, 27та фан хоналари бўлиб, махсус жиҳозлар ва кўргазма қуроллари билан тўла таъминланган.

Коллежда ўғил-қизлар мактабдан ташқари таълим, жисмоний тарбия ва болалар спортини, мактабгача таълим йўналишлари бўйича тахсил олишапти. 783 нафар ўқувчига 82 нафар ўқитувчи сабоқ бермоқда. Асосийси, ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун барча шароитлар мўжайё этилган. Хусусан, педагогика коллежининг ахборот-ресурс марказида 23 номдаги 8546 дарслик, 150 номдаги 4487та касбга оид фанлардан китоб, 31 номдаги 1157та ўқув-методик қўлланма, 54 номдаги 707та сиёсий, 5020 номдаги 62073 бадийий адабиёт билан бирга, етмишга яқин маъруза матнлари ва электрон қўлланмалар мавжуд. Яратилган шундай кенг имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшлар

ўқишда ва турли танловларда яхши натижаларга эришиб келмоқда.

— 2013-2014 ўқув йилида ўн икки нафар ўқувчимиз фан олимпиадасининг учинчи босқичида муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишди, — дейди физика, математика ва информатика фанлари кафедраси раҳбари Муяссар Сейтмуратова. — Учинчи босқич ўқувчиси Дўлатбой Турсинбоев Тошкент шаҳрида ўтказилаётган фан олимпиадасининг якуний босқичига йўлланма олди.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларга касб-хунар силриларни пухта ўргатиш мақсадида қатор тўғрақлар фаолият юритаётир. Ўнга яқин спорт тўғрақларида 255

нафар ўқувчи (шундан 95 нафари қизлар) баскетбол, волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, шашка, миллий кураш, футбол ва қўл тўпи каби спорт турлари билан мунтазам шўғулланиб келмоқда.

2014 йил 14-15 январь кунлари «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг II босқичида педагогика коллежидан 70дан ортиқ спортчи ёшлар иштирок этиб, бу даргоҳда ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом ёшлар тарбияланаётганини кўпчиликка исботлади. Мусобақа натижасига кўра коллежининг волейбол (ўғил болалар) жамоаси биринчи, футбол ва волейбол (қизлар) жамоаси иккинчи, енгил атлетикадан биринчи, стол тенниси бўйича учинчи ўринни қўлга киритди. Хар йили турли байрамлар муносабати билан ўтказиладиган спорт мусобақаларида ҳам коллеж ўқувчилари доим пешқадам.

Ўқув маскани ўқувчилари якка тартибдаги спорт мусобақаларида ҳам совринли ўринларни қўлга киритаётир. Бокс бўйича Ўринбосар Авезба-

ев 2014 йили январь ойида ўтказилган Қорақалпоғистон биринчилигида (91 кг вазн тоифасида) биринчи, Ўзбекистон кубогига учинчи ўринни эгаллаган бўлса, Тимур Абдуллаев 2013 йили Ўзбекистон чемпионатида учинчи, 2014 йили 15—19 январь кунлари ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида (57 кг вазн тоифасида) биринчи, Рамазон Жиевбоев 2012 йили Қорақалпоғистон чемпионатида биринчи, Дилшода Боранова 2013 йили Қорақалпоғистон биринчилигида иккинчи, Ўзбекистон Конституцияси куни муносабати билан ўтказилган мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Ёшларнинг ана шундай қўлга киритаётган ютуқларини қўриб, келажда бу даргоҳдан ажодларга муносиб қўллаб-қўллаш фидойилари, юртимиз байроғини баланд кўтарадиган жаҳон чемпионири етишиб чиқишига ишончингиз янада ошади.

Несибеи МАМБЕТИРЗАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Тарих саҳифаларини varaқласак, Марказий Осиё юрагида жойлашган Ўзбекистон қадим-қадимдан Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи кўприк бўлиб келганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, юртимиз сарҳадлари бўйлаб ўтган Буюк Ипак йўли орқали мамлакатлараро сиёсий, маданий ва иқтимоий, савдо алоқалари олиб борилгани фикримизнинг аққол далилидир. Демак, йўлларнинг инсон ва жамият тақдирида муҳим ўрин тутишини даврлар қатида қолган излар қайта-қайта тасдиқлайверади.

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани сингари олисимики яқин, оғиримизни енгил қилиб, элларни элларга боғлаб турувчи йўллар қурилиши масаласига адоҳида эътибор қаратила бошланди. Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги "2011–2015 йилларда инфраструктура, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида "Ўзбекистон миллий автотранспорти" лойиҳаси доирасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани соҳада катта ўзгариш ва янгиланишлар бўлаётганидан далолатдир. Қувонарлиси, бу юксалишлар жараёнида соҳа тараққиётига ҳисса қўишини янада ривожлантириш институти ўрнатилади, шунингдек, Бухоро ва Наманган вилоятларида тасдиқланган дастур асосида фаолият юритаётган йўлсозлар малакасини ошириш ўқув марказларида олиб борилаётган таълим, бундан ташқари, "Ўзавтотўй" ДАК ва Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментини ривожлантириш институти ўрнатилади шартнома имзоланган бўлиб, етук мутахассисларни тайёрлаш ишлари изчил йўлга қўйилган.

Соҳани малакали кадрлар билан тўлдиринида назарий ва амалий билимнинг бирлиги муҳим ўрин тутди. Компаниянинг Тошкент автомобил-йўллар институти, республика-мизнинг турли ҳудудларидаги 16та касб-хунар коллежи билан узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, ўқувчи-талабаларнинг тизимдаги таълим ва корхона-ларда малакавий амалиёт ўтқариш, янада ривожланиш учун малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, илмий тадқиқот институтилари, ўқув марказларида эса йигит-қизларнинг бу интилишларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш учун барча имконият яратилган.

КАДРЛАР САФИ ҚАНДАЙ ТЎЛДИРИЛМОҚДА?

Ҳар бир соҳа тараққиётини, шубҳасиз, малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси белгилаб беради. Шу маънода, "Ўзавтотўй" давлат акционерлик компанияси ва унинг таркибидаги таъминот ва корхоналарда 2018 йилгача олий таълим муассасаларини битириб, бакалавр ва магистрлик дипломига эга мутахассисларга бўлган эҳтиёж режаси ишлаб чиқилган. Кадрлар малакасини ошириш жараёни

гияларни ишлаб чиқиш ва уларни таъбиқ этиш" масаласини ҳал этишга қаратилган бўлиб, ушбу мавзу институти иқтисослигига боғлиқ тўртта устувор, яъни "Автомобилсозлик ва автотранспорт соҳасида ресурсларни тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш, ёнилғи-мой ресурсларидан раціонал фойдаланиш", "Автотранспортдан унумли фойдаланиш, унинг хавфсизлигини ошириш ва экологияга зарарини камайтириш", "Маҳаллий хомашуви асосида автомобиль йўллари ва иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш", "Олий таълим ва табиий фанлар муаммоларининг ечимини йўналишларини ташкил этади.

Профессор-ўқитувчилар томонидан TEMPUS дастури бўйича 2012–2015 йилларга мўлжалланган, умумий қийма-

ҚИРҚ ЙИЛ МУҚАДДАМ ВА БУГУН

Йўл қурилиши факультетининг "Автомобиль йўллари ва аэродромларни лойиҳалаш" кафедраси мудири, техника

фандари доктори, профессор Абдулборий Шохидов қирқ йилдан бунён шу даргоҳда меҳнат қилади. Айтиш мумкинки, юртимизнинг қон томирлари мисол манзилларни манзилларга туташтириб турувчи автомобиль йўллари қуришга, соҳада хизмат қилувчи кадрларни етиштиришга муносабат унинг кўз ўнгиди, иштирокида давом этиб, янгиланиб келаётган.

— 1972 йили кафедра ташкил этилган бўлса, дарс ва амалий машғулотларни олиб боришда асосий манба сифатида оқоридан тавсия этилган китоблар, меъёрий ҳужжатлар ва қўлланмалардан фойдалана эдик, — дея гап бошлаб ўтади. — Бир қараганимизда йўл қурилиши оддий ва содда ишдек туюлади. Лекин ниятда нозик ва эътибор-талаб хизматлари борки, маҳаллий ҳудуд хусусиятлари, ер структураси, тупроқ хоссаларини мукаммал ўрганиб, илмга таяниб фаолият олиб боришга, мамлакат газасига катта зарар етиб, турли фожиалар келиб чиқиши мумкин. Истиклол йилларида янги фан дастурлари, таълим стандартларининг қабул қилиниши, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди иқлимни ҳижжалаб ўрганган ҳолда йўл асосининг қулай конструкциясини яратиш борасидаги илмий изланишлар ҳулосалари асосида дарслик ва ўқув қўлланмаларининг яратилаётгани соҳага янгиланиш руҳини олиб кирди.

Дарвоқе, талабаларнинг назария ва амалиёт уйғунлигига мукаммал касбий билим ва кўникмага эга бўлиши таъминланади ҳам ўз тасдиғини топаётди. Кафедра ҳузурида илмий лабораториянинг ташкил этилиши ўқув жараёни билан боғлиқ машғулотларни олиб бориш баробарида, ишлаб чиқаришда учраётган айрим муаммолар ечимида профессор-ўқитувчилар ва тала-

баларнинг бирдек иштирокини таъминлаётди. Шунингдек, кафедранинг "Ўзавтотўй" давлат акциядорлик компанияси, "Йўл-лойиҳа экспертиза" давлат корхонаси, "Темир-бетон маҳсулотлари заводи", Автомобиль йўллари илмий текшириш институти ва "Йўл-лойиҳа бюроси" масъулияти чекланган жамияти қошида талабаларнинг республика фан олимпиадасида шогирдларимиз муваффақиятли иштирок этиб, фахрли биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашгани, талабалар Шукржон Соидов ва Суннатжон Мўминовнинг Беруний номидаги давлат стипендиясини соҳиби бўлгани ана шу сазой-ҳаракатларнинг маҳсулидир.

— Бу лабораториялардаги аниқлаш даражаси ниятда юқори бўлган жиҳозлар ёрдамида бўлажак мутахассислар қурилиш материалларининг

бил йўлларининг муқобил турли таъминотида талаб этади.

Илмий таҳлилларга кўра, юртимиздаги суғориладиган ер майдонларининг катта қисмини, хусусан, Фарғона вилоятида 77,7, Бухоро вилоятида 70, Қорақалпоғистон Республикасида 70–80, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ерларнинг 50–60 фоизи, қолган ҳудудларда 10–37 фоизгача қисмини шўрланган грунтлар ташкил этади. Экинларнинг сунъий суғорилиши, ер юзасига яқин бўлган минераллашган грунт сувлари, жойларда сув оқибининг қийинлиги ва бўлганиш даражасининг атмосфера ёғинлари миқдоридан кўпчилиги сингари омиллар натижасида юзага келадиган шўрланганининг йўллар қурилишига катта салбий таъсири борлигини ҳаммамиз ҳам билмаймиз. Автомобилда кетаё-

мий маърузалари, мақолаларида ҳар томонлама асослаб берди. Айниқса, баҳор ва куз ойларида ер ости сувларининг кўтарилиши, грунт таркибидаги тузларнинг кескин эриши натижасида автомобилдан тўшаётган юк йўллардаги ноте-кисликларни келтириб чиқаришни назарда тутиб, "Қучли ва ўта кучли шўрланган грунтларда автомобиль йўллари-нинг муқобил тизимини қандай қилиб яратиш мумкин?" деган саволга жавоб излаб тадқиқот ишларини изчил давом эттирди. Натижада шўрхок грунтли ҳудудларда қуриладиган йўл пойининг бир неча тузилмалари ишлаб чиқилиб, амалиётда синовдан ўтказилди.

— Гулистон шаҳрининг ай-ланиб ўтиш йўлида тақлифларим асосида таъриба участка-си қурилди ва натижалар мутахассислар томонидан юқори

шундаки, бу жараёнда Тошкент автомобиль-йўллар институтининг ёш тадқиқотчилари, талабалари ҳам фаол иштирок этиб, янги замонавий технологияларга таянган таърибаларни ўрганишмоқда.

— Цемент-бетон қопламали йўл тўшамаларининг иқтисодий жиҳатдан афзаллиги шундаки, ундан фойдаланиш хизмат муддати асфальт бетонга қараганда икки ҳисса ортқ, — дейди "Автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш ва эксплуатация қилиш" кафедраси катта ўқитувчиси Турсоат Амиров. — Бундай йўлларнинг юзаси очик рангда бўлганлиги боис уларни ёритиш учун 20 фоиз кам энергия сарфланади. Оғир юк ташувчи автомобиллар таъсиридаги бузилишлар ҳам қисқариб, ҳаракат тезлиги камаймайди ва пировард натижада, таъминан 5-10 фоиз кам ёнилғи сарфланади. Бу эса цемент-бетон қопламанинг экологик жиҳатдан ҳам қулай эканини кўрсатади. Республикаси ҳудудида ана шундай ҳар жиҳатдан афзал йўлларни барпо этишни ривожлантириш эса соҳа мутахассислари ва йўлсоз олимларнинг олдида қатор долзарб вазифаларни қўяётди. Халқаро аҳамиятга молик объектларда хорижий ҳамкорларимиз билан ёнма-ён консултант сифатида фаолият юритаётган. Ишлатилаётган қурилиш материаллари ва бажарилаётган ишлар сифатини назорат қилиш мақсадида объектнинг ўзида замонавий ўлчов воситалари билан жиҳозланган пудратчи, сифат назоратини олиб борувчи гуруҳ ва мустақил лабораторияларда ўтказилган синовларда бевоcита иштирок этади. Барча жараёнларни видеоасетларга ёзиб олиб, аудиторияда талабалар билан муҳокама қилиб бордик. Бир сўз билан айтганда, бу

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК СОҲА ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Барча соҳаларда ривожланган мамлакатларнинг илғор таърибаларини ўрганиб, ҳар томонлама ўзимизга хос ва мос жиҳатларининг билим ва малака синовидан ўтказиб, иқидий ёндашган ҳолда амалиётга таъбиқ этиш йўлидан бораёямиз. Хусусан, транспорт оқимининг жадал суръатда ўсаётгани мустаҳкамлиги юқори, узоқ хизмат қилувчи цемент-бетон қопламали йўл тўшамаларидан фойдаланиш-



лойиҳаларнинг амалга оширилиши маҳаллий мутахассисларимиз, талабаларнинг замонавий технологиялардан фойдаланиш борасидаги билимларини бойитади. Амалиётда орттирилган таъриба "Автомобиль йўллари ва аэродромларда цемент-бетон қопламаларни қуриш" ўқув қўлланмаси ва бир қатор илмий мақолаларнинг ёзилишига замин яратмоқда. Айни кунда Қамчиқ доводига ҳам 74 километр узунлидаги худди шундай — жаҳон андозаларига мос йўл маҳаллий мутахассисларимиз томонидан қуриляпти ва бу жараён ҳам биз, ўқитувчилар ва талабалар томонидан қузатилиб, таҳлил этиляпти.

ҲАР КУНИ, ҲАР СОАТ ҲАМКОРЛИК

— Ёшларимизнинг мукамал билим олиб, касб-хунар эгаллашлари учун мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилган, — дейди Тошкент автомобил ва йўллар касб-хунар коллежи директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Салим Раҳимбердиев. — Лекин, ўз навбатида, улар олдида ҳам давр қўяётган талаб бор. Ўз устида тинимсиз ишлаб, касб-хунарни нозик қирраларига эгаллаб олган инсонгина жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш корхоналари билан узвий алоқаларнинг ўрнатилгани, назария ва амалиёт уй-нинг экологик жиҳатдан ҳам қулай эканини кўрсатади. Республикаси ҳудудида ана шундай ҳар жиҳатдан афзал йўлларни барпо этишни ривожлантириш эса соҳа мутахассислари ва йўлсоз олимларнинг олдида қатор долзарб вазифаларни қўяётди. Халқаро аҳамиятга молик объектларда хорижий ҳамкорларимиз билан ёнма-ён консултант сифатида фаолият юритаётган. Ишлатилаётган қурилиш материаллари ва бажарилаётган ишлар сифатини назорат қилиш мақсадида объектнинг ўзида замонавий ўлчов воситалари билан жиҳозланган пудратчи, сифат назоратини олиб борувчи гуруҳ ва мустақил лабораторияларда ўтказилган синовларда бевоcита иштирок этади. Барча жараёнларни видеоасетларга ёзиб олиб, аудиторияда талабалар билан муҳокама қилиб бордик. Бир сўз билан айтганда, бу

— Дарслар ўқув қуроллари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда махсус дастурлар асосида олиб борилади. "Йўл назоратчилари", "Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш", "Йўлларда кўприк ва сунъий иншоотларни қуриш, таъмирлаш ва сақлаш усталари" сингари ўн беш йўналишда меҳнат қилаётган хизматчи ва ҳодимлар муассасамизда малака ошириб, қайта тайёрловдан ўтишади, — дейди марказ методисти М.Армонова. — Баҳс-мунозаралар, жонли мулоқотларга улашиб кетадиган сабақларда баъзан кўп йиллик таърибага эга мутахассисларнинг ёш йўлсозлардан соҳага алоқадор айрим билимларни ўрганаётганларини кўриб, ўз устида ишламаслик даражидан замондошларимиз йироқлашиб бораётганидан қувонаман.

— Муассасамизда 2760 нафар йигит-қиз "Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш", "Транспортларда таъиш ва бошқаришни ташкил этиш", "Автомобиль йўллари ва

Ҳа, йўл қурилиши соҳасига ана шундай забардаст, ўз билими, иқтидори, касбий маҳоратига ишонган ёшлар кириб келяпти. Бу соҳа келажаги ишончли қўлларда эканидан далолат беради.

Ойбуви ОЧИЛОВА, «Ma'rifat» мухбири Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



БОЛАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

ОТА-ОНАНИНГ ОИЛАДАГИ ОБРЎСИ

тарбиячилик вазифаларини қай даражада
уддалай олишига боғлиқ

Бошланғич синф ўқувчилари ота-онанинг қарашларига, феъл-атворларига тақлид қилиб келади. Ўсмирлик даври болада кескин ўзгаришни бошлаб беради. Ота-оналар ва болалар орасидаги зиддиятлар асосан айна даврга тўғри келишининг боиси ҳам шундан. Ота-онанинг ўз фарзандларига хос ёш хусусиятларини билмаслиги оқибати ўсмирларнинг ота-онадан (кўпчилик ҳолларда отадан) қалбан узоклашувига олиб келади. Нега шундай бўлади? Бунга ким сабаби? Айб болада эмас. Асосий сабаблар қаторига мана буларни киритса бўлар экан:

- ота-оналар ўзларининг фарзандлари учун ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқада шахсий намуна эканлигини англай билмасликлари;

- ота-она, оила аъзолари томонидан болаларига қўйилган тарбиявий талабларда яқдиллиқнинг етишмаслиги;

- ўқувчининг кундалик ҳаётидаги режасизлик, тартибсизлик;

- рағбатлантириш ва жазолашда тарбиявий мақсад устуворлигини таъминлай олмаслик;

- миллий қадриятларга ҳурматни шакллантиришда изчиллиқнинг етишмаслиги;

- жисмоний жазо билан қўрқитиш;

- ота-онанинг фарзандлар кўз ўнгиде жанжал қилиб туриши;

- уйда ошқора ичкиликбозлик қилиниши;

- беҳаё сўзлар, қарғишлар, сўкинишлар;

- ўз фарзандини "энг яхши", деб ҳисоблаш;

- "Биз қийналганмиз, болаларимиз роҳат қилсин", дея ўқувчиларни эркалибтиб юбориш;

- ясантиришга ҳирс қўйиш;

- "Бола қийналиб катта бўлса, ота-онанинг, меҳнатнинг, ҳаётнинг қадрига етади", дея кўр-кўрона қаттиққўллик, зарда қилавериш;

- фарзандига ваъда бериб бажармаслик;

- мактаб билан таълим-тарбиявий ҳамкорликдан ўзини четта олиш;

- болаларини ўз ота-боболари билан таништирмаслик ва ҳоказо.

Ота-она обрўси — оила тарбиясининг асоси. Улар айнан шу омил орқали фарзандларининг онгига, хулқ-атворига маънавий таъсир қилади. Ота-онанинг оилада мавқеи баланд-пастлиги эса уларнинг бола тарбияси билан махсус шугулланаётганлиги ёки шугулланмаётганлигига боғлиқ. Ота-онанинг фарзандлар шакли билан қизиқишлари, болаларнинг ривожлана бораётган эҳтиёжларини ўрганиб, бошқариб, таъминлаб боришлари оиладаги об-

рўсини оширади. Кузатувларимиз ҳаётда ота-онанинг тарбиячи сифатидаги обрўсини туширадиган сабаблар асосан қуйидагилар эканини кўрсатди:

- ўзларини фарзандларининг фақат боқувчилари сифатида англаб, тарбиячилари эканликларини чуқур англамасликлари;

- болаларга айтган сўзлари, панд-насихатлари билан амалдаги хатти-ҳаракатлари орасидаги тафовут;

- фарзандларига қилган хизматларини миннат қилаверишлари, улар билан буйруқ, ҳукм орқали гаплашишлари;

- фарзандларининг ҳаёти, қизиқишларига эътиборсизликлари, уларга алоҳида вақт ажратмасликлари.

Ўзбек оиласида юқорида келтирилган камчиликларни барта-раф этишда оталарнинг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Зеро, мақолларимизда қайта-қайта таъкирланиб келинаётганидек, "Отанинг очган йўли бор, онанинг бичган тўни бор", "Отаси борнинг унуми бор, онаси борнинг тиними бор", "Ота — оламнинг фахри", "Эрта тур, отангнинг кўр, отангдан сўнг отангнинг кўр", "Отангнинг кўрсанг, отдан туш", "Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин", "Ота болага синчи", "Ўғлингни севсанг, қулингдай ишлат", "Оталар сўзи хитоб бўлур, ани йиғсанг китоб бўлур"...

Онанинг ўзбек оиласидаги ҳурмати, ўрни алоҳида, жипс-лаштирувчи аҳамиятга эга. Чунки "Онага муҳаббат — Ватанга муҳаббатнинг куртаги", "Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада", "Онаг ўғай бўлса, отанг ўзингники эмас", "Бола — лой, она — қул", "Бола ҳам она дейди, она ҳам она дейди", "Онанинг яхшилигини бемор бўлсанг биларсан". Бу эса ўзбек қизларини оналикка тайёрлаш: уларда меҳрибонлик, ғамхўрлик, майинлик, яқин кишиларини қадрлашга, ҳимоя қилишга эҳтиёжни шакллантиришга алоҳида эътибор беришни тақозо қилади.

Ота-онанинг изчил тарбиячилик меҳнати яхши фарзандларнинг ота-онаси бўлиш шарафига муюссар қилади. Ўз бурчларини бажармаслик ёки бажара олмаслик натижасида эса "ёмон" деб ном чиқарган ўғил-қизларнинг ота-оналарига айланадилар. Чунки болалар ёмон бўлиб туғилмайдилар. Бу ҳақда буюқ педагог бобомиз Юсуф Хос Ҳожиб минг йил илгари "Ўғил-қизнинг феъли-хулқи яхши ёки ёмон бўлса, унинг сабабчиси ота ва онадир", деб аниқ айтиб кетган.

(Давоми бор.)

Мухаммад КУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

«Нимаики қилаётган бўлсам болаларим, уларнинг келажаги учун...», деган гапларни эшитсак, бу икромни табиий ҳолат дея қабул қиламиз. Чунки ўзимиз ҳам ўғил-қизларимиз бировдан кам бўлмасин қабилида фикр юритиб, тиниб-тинчимаймиз. Лекин баъзан оиланинг кам-кўсини бутлашни биринчи ўринга қўямиз-у, фарзандлар тарбияси, билим олиши ёки ҳаётга тайёрлашга келганда оқсаймиз. Қуйида баён этилган воқеа сизни ҳам бу ҳусусда му-

биз ҳаммадан ҳам бой бўлиб кетамиз», дейди... Дадасини жуда-жуда соғинганлиги туфайли айна вақтда унинг бу фикрини ўзгартириш қийин кечаяпти. Чунки болалик олами-га отасининг «ибрат»и билан ҳаммадан бой бўлиб кетиш орзуси сингиб қолган. Бегона юртларда она Ватан соғинчи билан изғирин совуқларда оғир ишларни бажариш заҳматини қардан ҳам тушунсин?! Очигини айтганда, унинг дадаси «пул» дардида ҳали қанча вақт шу ал-

УЗОҚДАГИ ОТА «ИБРАТ»И

лоҳаза юритишга ундайди, деб ўйлайман.

Меҳрибонлик уйда олти йилдан буён яшаётган Жасурбек анча зийрак, қизиқувчан, аммо феъли жуда ўзгарувчан бола. Ҳозир 3-синфда ўқийди. Дарсларда асосан аъло ва яхши баҳолар олади. Лекин гоҳида мактабга боришни сира хоҳламай, турли хил баҳоаналар ўйлаб топади. Кайфиятига қараб шеър ёдлайди, дарс қилади, баъзан тенгқурларидан орқада қолмасликка ҳаракат қилса-да, уй вазифаларини қўйинча тарбиячиларнинг қистови билан бажаради. Бизни ташвишга соладиган ҳолат: айрим кунлари мактабдан қайтишда ҳаёли паришон айланган юриб уйга кечроқ келади. Баъзан отасини кўмсаб: «Дадамга бора-ман», дея хархаша қилади. Нимага қизиқиши, келажакда ким бўлиши, қайси машғулотни ёқтириши ёки орзулари ҳақида сўрасак, ҳеч иккиланмай: «Дадамга ўхшаб чет элга бориб ишлайман, кейин

фозда юради, номаълум. Эҳтимол, у ватангадолик азиятларини чекиб пушаймонликда ортига қайтишга йўл топа олмаётгандир. Болага меҳр бериш ўрнига ҳаёт оқимида ташлаб қўйиб, кун келиб ота сифатида меҳр ва эътибор талаб қиладиган у каби кимсалар қилмишини қандай баҳолашга ҳам ожизсан, киши.

«Қуш уясида кўрганини қиладилар», деганларидек, ёш бола ўз уйида кўрганига ва эшитганига амал қиладилар. Катталарга тақлид қилиб, уларнинг уринишларини нотўғри бўлса ҳам тўғри, деб ҳисоблайди. Қолаверса, ўғил болалар кўпичина айнан оталарга эргашади. Афсуски, дунёда шундай бир қудрат борки, ўрнини ҳеч нарсга билан алмаштириб ҳам, тўлдириб ҳам бўлмайди. Бу — ота-она меҳридир. Зеро, «болаларимнинг келажаги» деб улар қалбиде жароҳат, катта бўшлиқ ҳосил қилаётган оталар, оналар ўз вақтида хатоларини англаб, улар меҳрига зор бўлаёт-

Mulohaza

ган фарзандларини бағри-лариде тарбиялаб вояга етказсалар, жамиятимиздаги жуда кўп оғриқлар барҳам топарди.

Дарвоқе, Жасурбекнинг фикрини ўзгартириш учун барчамиз ҳаракат қиламиз, албатта, бунга эришамиз ҳам, лекин у интиқиб қуттаётган меҳрни бериш жуда мушкул.

Хулоса ўрнида шунга айтмоқчиманки, ёшлигиданоқ ота-онаси билан яшаган,

оилада тўғри тарбия топган боланинг фикри теран, мақсади аниқ бўлади. Келажакка катта орзу-умидлар билан интилади. Тенгқурлари қатори ота-она меҳридан қониб, бахтли болалик нашидасини то-тиб, ҳаёт қувончларидан завқланиб яшайди. Қолаверса, оила-маҳалла-мактаб берган таълим-тарбия бир-бирини тўлдириб, қомил инсон вояга етишига замин яратилади.

Жасурнинг ҳолатини кўп кузатаман: айниқса, байрам кунлари дўстларининг яқинлари каби дадаси уни йўқлаб келиши, буткул олиб кетишини ўйлаб, ширин хаёллар сурганча де-разага тикилиб, дарвозадан кирган одамни кузатади. Узокларда юрган отасини соғиниб изтироб чекади. Маънос ва одамови бўлиб қолгани ҳам шундан. Чунки унинг кўнглида оғриқ, алам бор...

Мусаллам ИБРОХИМОВА,
Навоий шаҳридаги
меҳрибонлик уйи
директори

ЁН ДАФТАРЧАДАГИ БИТИКЛАР

ҳар амалда минг ҳикмат

Мактаб ҳовлисига кириб келар эканман, ҳали бўйи бир метрга ҳам етмаган ниҳолларнинг мевага кирганини, гилослар қип-қизил мунчодек осилиб турганини кўриб кўзим қувонди. Яқиндагина шу кўчатларни ўқувчиларимиз уйларида олиб келишганди. Мана энди биринчи ҳосилини кўриб туришибди. Шунга айтсалар керак-да, «эксанг, ўрасан», деб. Март ойининг бошларида мактабимизга икки киши машинада ўзлари ўстирган ниҳолларни келтириб сотишди. Бу ниҳоллар ичиде олма, нок, ўрик ва ҳурмо кўчатлари бор эди. Ўқитувчилар 4-5тадан ниҳол сотиб олишди. Мен ҳам тўрттасини харид қилдим. Турмуш ўртоғим уларни яримдан кесиб ташлаб боғимизга ўтказди. Кесилган новдаларни ҳам ниҳоллар ёнига қадаб қўйдим. Ҳар уч кунда сув қуйиб турдим. Ҳозир тўрт ниҳол ҳам, кесилган шохлар ҳам кўкариб турибди. Она заминимиз тупроғига чўпни сўқиб қўйсанг ҳам кўкарида, деган нақлга яна бир қарра амин бўлдим бу тароватни кўриб.

Уйимизнинг ҳовлига қараган томониде печканинг мўриси бор. Ёз келиб қарнай

олингандан кейин мўрининг ўрни деворда айлана шаклида очик қолди. Тумшуғи қора малларанг ҳақканинг қунига ўша ерга неча маротаба кириб чиққанига кўзим тушди. Ҳар гал оғзида хас-хашак, қурт-қумурсқа бўлади. Кейин билсам, у бола очган экан. Ўғлим кимдандир қушлар бор жойга илон келади, деб эшитиб қолибди ва ўша катта тешикни лой билан суваб ташлади. «Ҳеч бўлмаса қушнинг болаларини олиб супага қўй, балки олиб кетар», дедим. Негадир у унамади, эринди. Ўғлимни роса қойидим, хафа ҳам бўлдим. Ўзим тешишга ҳаракат қилиб кўрдим, лекин чўп яхши қирмади...

Она ҳаққа эса ҳар куни уясида учиб келишда давом этди. Ҳадеб шувалган жойни чўқилайвериб тешикни каттароқ қилиб, бўйни сигадиған ҳолатга келтирди ва ўз болаларига яна қурт-қумурсқа келтира бошлади. Шу тариқа полапонлари соғ-омон катта бўлди. Оналик меҳри қушларда ҳам шунчалар қучли бўлишига қойил қолдим.

Ҳабиба ҒАНИЕВА,
Навоий туманидаги
3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

2014-yil 23-aprel, № 33 (8682)

ТАЛАБА БЎШ ВАҚТ ТОПАДИ

“Вақтинг кетди — нақдинг кетди”. Бу — ота-боболаримизнинг ҳаёт йўли давомида кўриб, кузатиб чиқарган хулосаси. Нега вақт ва нақд тушунчалари қиёсланмоқда? Вақт барчага керак. Айниқса, эндиқна талабалар сафига қўшилганлар унинг қадрини жуда яхши билишади. Талабанинг бўш вақти деярли йўқ, аммо қаловини топса қор ёнар, деганларидек қизиққан машғулотга вақт топишининг имкони бор. Толибланинг ҳақиқий бахти ҳам ана шунда-да!

Баъзи талабалар дунёқарашини кенгайтириш мақсадида интеллектуал ўйинларга мунтазам қатнашса, биров талбирлар ишқибози, яна кимдир музей ва тарихий масканларга ошиқади. Кимдир вақтини дискотека, кинотеатрларда ўтказишни афзал билади. Вақтни тўғри тақсимлаш лозим. Дейлик, тушгача ўқишдасиз, дарсдан сўнг кутубхона ёки заковат клубларига бориш, қадрдон дўстлар билан кино, спектакль томоша қилиш мумкин. Аммо ҳи тартибли ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ёшлик даврим — олтин давр, деб уни бемаъни мақсадларга сарфлаш хато. Ахир, ёшлик фақат ўйин-кулгидан иборат эмаску! Фанларни чуқур ўрганиб, кўрик-танловларда қатнашиб, ғолиб бўлаётган талабалардан ўрнак олиш керак.

— Эришаётган ҳар бир муваффақиятда бевосита вақтнинг қадрига етиш асосий ўрин тутати, — дейди Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори Кумар Бегниязова. — Мен бўш қолсам зериқаман. Ҳар қандай инсонда аниқ хо-

ҳиш-истак бўлса, ўзи учун керакли барча нарсаларга, албатта, вақт топади. Бўш вақтда спортнинг шотоқан карате-до тури билан шуғулланаман, кашта тикаман, кўчада сайр қиламан. Баъзан ёлғиз қолган кезларим чанқовуз чалиб, кўшиқ хиргойи қиламан.

Албатта, орамизда талабалик бахти ва масъулиятини тўла ҳис қилмаган ёшлар борлиги ачинарли. Гуруҳимизда оғзи тинмайдиған қиз бор. Унинг фикрича, ўқимасдан ҳам иш топиш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш мумкин. Қайсидир маънода бу тўғри, балким буни қандайдир нопок йўллар билан уйдасас бўлар? Аммо ўз касбини пухта билмаслик бутун умр панд бериши аини ҳақиқат. Янги замон талаблари фақат малакали мутахассисларнигина қабул қилиши кундек равшан.

Хуллас, вақтнинг қадрига етган талаба ҳам билим эгаллашнинг, ҳам кўнгилдагидек дам олишнинг уйдасидан чиқади.

Талабанинг ўз талабалик режаси бўлиши зарур. Талабанинг энг керакли вақти бу — бўш пайти, десак хато қилмаймиз. Унумли фойдаланилган ҳар бир сония келажакка пойдевор демакдир.

Нилуфар АХМЕДОВА,
ЎзДЖТУ халқаро
журналистика
факультети талабаси



СОХТА РАҒБАТ

- қизиққанидан чекаётганлар — 24,1 фоиз;
- шўхлиқдан чекаётганлар — 18,6 фоиз;
- «эрқатой» деб атамасликлари учун — 17,2 фоиз;
- озиш ниятида — 9,7 фоиз;

• ҳаётда бирор нимадан сиқилганда чекадиганлар 4,6 фоизни ташкил этар экан.

— Ёшлар орасида сигарета чекиш оммалашиб кетаётганининг сабаби, менинча, тақлид, — дейди Ўзбекистон Миллий университетининг «Педагогика ва умумий психология» кафедраси катта ўқитувчиси Эрхил Рўзиматов. — Буни икки хил тушуниш мумкин. Бири тенгдошлари ўртасида ўзини кўрсатиш бўлса, кейингиси — қизларнинг эътиборини қаратиш. Аввалига эрмақдан бошланган касаллик кейинчалик бошқа асоратларга сабаб бўлади. Чекувчидан чекишни ташлаш учун метин ирода талаб қилинади. Аслини олганда, аввало, оилада ота ўз фарзандига намуна бўлиши лозим. Шунда бу ёмон одат авж олиб кетмайди.

Одатда, бир-иккита сигарета чекилгандан сўнг мияда қон айланиши қисқа муддатга яхшиллангандек, ишқобилияти ошгандек туюлади. Афсуски, бу алдамчи, сохта рағбатдир.

ЎзМУ журналистика фа-

культетининг магистри Равшан Омонов ўз фикрларини шундай баён қилади:

— Ёшларнинг чекишга ружу қўяётгани, аввало, ҳавасмандлик, иккинчиси — кимгадир тақлид қилиш оқибати, деб ўйлайман. Кўпинча ўзига тўқ ота-оналар фарзандларига қанча пул сўраса, шунча бериб, болалари нимага сарфлаганини суриштирмайдилар. Кечирасиз-ку, бола талтайиб кетиб, чекиш тугул бошқа йўللarga ҳам кириши мумкин. Бундай ижтимоий нохушликларнинг олдини олиш мақсадида 2011 йил 5 октябрда «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Афсуски, кўп маҳалларда оталари учун сигарет сотиб олаётган ёш болаларни кўрамыз. Бола сигаретани кимга, нимага сотиб олаяпти, ҳеч ким сўрамайди. Тўғри, ҳозир бизнес замони, аммо ҳар ким қўлидан келганча ҳаракат қилади-да, деб кўз юмиб кетишимиз ноўрин. Бу ерда тирикчилигини ўйлаган сотувчиға айб қўйишдан аввал фарзандини сигаретга юборган отани айблаш керак, менинча. Оталаримиз бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб

Бу воқеани автобусда узун шлангни тутганча, атрофидариларга гап бермай кетаётган бобо тилидан эшитгандим.

... Бозорга тушиб, шланг олмоқчи бўлдим. Нархи осмонда, оғзининг бир четидан фалон сўм чиқиб, кайфиятингизни бузади. Тагин, сотувчи роса бозорнинг «хўжа»си эканми, шлангни метрга солиб ўлчаркан, ҳар ўлчовда саккиз-ўн сантиметрни «кисиб», харидорнинг ҳақидан урарди.

У терлаб-пишиб ишларкан, дўкондан бир киши чиқиб сўради:

— Қанчасини пулладинг?

У афтидан бошлиққа ўхшади.

— Шу, юз метр қолди, — деди у мамнун жилмаяркан.

Бошлиқ ичкариға кириб кетди.

БОБОНИНГ ТАДБИРИ

Сотувчи томонга аста-секин юриб, менга ҳам 50 метр шланг кераклигини айтдим.

— Ҳа, деганча, тайёр қиламан, — деди сотувчи ховлиқчи.

— Шошманг, шошган кўп адашади. Бемалолман.

— Ҳе ота, нега адашарканман, бу касбнинг пири бўлиб кетганман. Сизга ўхшаган мингтасини бир кунда жўнатаман.

— Ҳа, яхши, яхши...

Қарасам, сотувчиси қургур менинг ҳам кўзимни шамғалат қилиб, бояги одатича шлангнинг бўйидан уриб ўлчаяпти.

— Ота, саломат бўласиз, мана 50 метр! — деди у олдимга ўралган елим ичкани ташлаб.

— Аниқ ҳисобладингми?

— Ҳа, — деди у бироз авзойи бузилиб. — Бировнинг ҳақи...

— Тўппа-тўғри, ҳаммаси қанча эди?

— Юз метр...

— Нариги тарафини оламан.

— Йўқ.

— Нега йўқ дейсан?

Хуллас, бироз тортишдик, у кўнмади. Нойлож бошлиқни қақриб, воқеани тушунтирдим. Албатта, шеригининг айбини фош қилмадим.

— Сизники, олаверинг, — деди у уялинқираб.

Пулни бериб, шлангни кўтариб йўлга тушдим. Орқамдан бошлиқнинг «ишбилармон»ни боғлаб қойгани эшитилди.

Парвина ОМОНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика
факультети талабаси

Факультетимиз яқинидаги касб-хунар коллежи олдиған ҳар кунни ўтаман. Тўпланиб сигарета чекаётган ўсмирларга кўзим тушади. Фақат ўкув биноси атрофида эмас, балки бекатда, автобусларда ҳам бу ҳолат тез-тез кўзга ташланмапти. Ажаблаларлиси, уларнинг кўпчилиги ўсмирлар. Яна ўша мавзунинг деб, энса қотиришингиз мумкин. Бироқ қанча кўп гапирилгани билан натижа-си кўзга ташланмапти-ку. Аксинча, кашандалик тобора авж олаётгандек. Бу мавзуда сўз юртишимизга сабаб мурғак ҳолидан тутатиб сигарета чекаётган болаларни ҳар қадамда учратишимдир. Ҳўш, яқинлари бундан беҳабар десак, ўзлари-чи? Ерга урсанг кўкка салпийдиган, ҳаммадан ўзини «ақлли» деб биладиган йигитчалар яшаш учун берилган умрларини сигаретага қўшиб қисқартираётганларини наҳотки ўйламасалар! Ё ҳаёт уларнинг кўзига шунчалик осон кўринаётганими? (Эслатиб ўтиш керакики, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» жаҳонда биринчи бўлиб барча самолётларида чекиш расман тақиқланган (ziyouz.com) авиакомпания сифатида ном қозонган.)

Чекувчи ўсмирлар сабаб бўлиб интернет сайтларига мувожаат қилдим. Ундаги маълумотларга кўра:

- ўртоқларига тақлид қилиб чекаётганлар — 26,2 фоиз;

ташкilotининг маълумотларига қараганда, Ер юзида ҳар 6 сонияда бир киши, бир дақиқада 10, бир соатда 600, бир кеча-кундузда 14400, бир йилда эса — 5 миллион 256 минг киши тамаки чекиш оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда. Шўқри, биз бундан анчайин йироқ-миз. Бироқ бу — ҳавф ақинлашмайди, дегани эмас.

Ҳар гал қўлида сигарета тутатиб, оёғида туролмайдиған маст одамни кўрганмида кўнглим беҳузур бўлади. Ўсмирлигим хотирасидаги нохуш бир саҳифа қайта жонланади гўё. Ўшанда синглим билан бувимларникига бораётиб, йўл устида багирини ерга бериб ётган одамни учратганмиз. Ундан таралаётган «ифор» шунчалик «ёқимли» эдики, киши ўзини лоҳас сезмасдан илож йўқ эди. Эгнидан бурқситиб чекилган сигарет ва ароқнинг бадбўйи ҳали унга яқинлашмасданок димоққа уриларди. Атрофини ўраб олиб, балчиқ сувни сепиб, масхаралаётган болаларнинг кулгисини у кимса ҳатто сезмасди ҳам. Ўша тобда негидир унинг фарзандларини ўйлагандим. Ахир, қайси фарзанд отасини ночор аҳволда, қўланса хидлар оғушида кўришни истаиди! Фарзанд учун ота намуна мактаби-ку!..

Гавҳар РУСТАМОВА,
«Ma'rifat» маҳорат
мактаби тингловчиси

...Ойдин окшом. Атрофни ажиб сукунат қоплаган. Дов-дарахтлар, ям-яшил майсалар, ҳаттоки кумурскалар ҳам оромда. Кўл атрофида қурбакаларнинг овози сокинликка ўзига хос қўшиқдек сингиб кетаяпти. Ўз ҳаёлларингиз билан охишта қадам ташлаб кета туриб, ногоҳ кўлда муҳаббат ва вафонинг азалий куйига ҳам-оҳанг манзара яратиб турган бир жуфт оққушга кўзингиз тушди... Уларга бир муддат тикилиб қалбингиз тубида мудраб ётган энг нозик туйғулар уйғонади... Уй-хаёллар, орзу-армонлар, олис ўтмиш — барини бирма-бир хотирлай бошлайсиз.



хумдан чиққан митти оққушчаларнинг вази атиги 220 грамм бўлади. Ота-она оққушлар полапонлар тўрт-беш ойлик бўлгунга қадар уларни парвариш қилади. Она оққуш жўжаларини елкасига олиб атрофни томоша қилдиради. Улар онасидан ажралмагунча ота оққуш ҳимоясида бўлади. Жажжилар икки ойликка етганда мустақил парвоз қила бошлайди.

Октябрь ойларига келиб, улар ҳам жануб томонларга мустақил парвоз қилишга қодир оққушга айланади. Полапонлар 1-2 ёшдан ўтгандан сўнг эса жуфтлашиб, ўзлари

Tabiat va biz

лари тараларкан. Одатда эса улар ҳеч қандай овоз чиқаришмайди. Улар фақатгина шивирлашади, гўё. Жуфти билан мулоқот вақтида эса ўзига хос товуш чиқаришади.

Нафосат маликалари бўлмиш бу қушлар бугунги кунда камайиб бораётган жониворлар сирасига қиради. Одамлар уларнинг гўзаллигидан бахраманд бўлиш ўрнига гўштидан мазали таомлар тайёрлашни, майин патларидан эса кийимларига безак беришни афзал била бошлашди... Айниқса, Дания ҳамда Шимолий Америкада уларни беаёв овлаш урфга кирди. 1933 йилга келиб, АҚШда бор-йўғи 66 дона оққуш қолганди. Шундан сўнг маҳаллий ҳокимиятнинг қарори билан оққушларни овлаш қатъиян ман этилди.

Оққушларни овлаш 1960 йилга келиб бутунлай ман этилди. Ҳозирги кунда турли мутасадди ташкилотлар томонидан уларнинг яша шароитини яхшилаш ва кўпайиши учун қулай муҳит яратиб бериш, сонини ҳисоблаб бориш йўлга қўйилган. Айни пайтда оққушлар турли истироҳат боғлари, дам олиш масканларидаги махсус сунъий кўлларда ҳам сақланади.

...Қалбингиз тубида беркинган, энг қадрили ва умр бўйи ардоқлаб, авайлаб келаётган нафис туйғуларингизни "қитқилган" бу манзарадан олислагингиз келмапти. Бироқ қайтиш керак... Бир неча дақиқа бўлса-да, она табиятнинг бу гўзаллигидан бахраманд бўлдингиз, қалбингиз ором олди, фикр-хаёлларингиз теранлашди, шуурингизни ажиб сокинлик чулғанди.

Атрофдаги гўзаллик юрагингизга ҳам кўчди. Бу ерга келишингиздан аввалги оғир ўй-хаёллардан халос бўлиб, ҳаётга бошқача кўз билан қарай бошлагингиз, дилнингиз ёришди, эртангиз бугунгидан-да хайрли, нури эканига ишончингиз ортди. Ҳа, она табият дурдоналари — гўзал оққушлар ана шундай сеҳрли кучга эга, унинг бу кучидан бахра олган киши беихтиёр бир неча йиллик толиқишу кундалик ҳаёт ташвишларидан бир zumda халос бўлади.

Шаҳина Жўраева

МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛЛАРИ

Муҳаббат ва садоқат тимсоллари бўлмиш бу оққушларнинг ўзига хос жиҳати бор: жуфтликнинг бири нобуд бўлса, иккинчиси ҳам дунёдан ёлғиз ўтади... Бу ҳислатни кўриб, она табият мўъжизаларига тасанно айтасиз, беихтиёр. Баъзида ақлли жонотларда топилмайдиган жасорат, вафо уларда мужассам...

Оққушлар кўш қанотлилар орасида энг нозиги. Улар жуда камдан-кам ҳолларда учadi, асосан сузади. Одамлар қадим-қадимдан оққушларни поклик ва қут-барака тимсоли деб ҳисоблаган. Бундан олти юз йил муқаддам Англияда шипун оққуши «қироллик қуши» деб эълон қилинган.

Катта оққушлар кичик ёшдагиларидан патлари оқлиги, бўйни узунлиги, танаси ва боши катталиги, тумшугининг оловранг-кизғиш тусдалиги билан фарқланади. Уларнинг бўйи 180 сантиметр, мода оққушнинг вази 5,5—6, нарининг вази 8—13 килограмм. Қанотлари, одатда, оқ, кулранг ҳамда қора тусда бўлади. Оққушларнинг гозлардан фарқи — тумшуги, бўйни узунроқ ҳамда емиш излашда сув остига гозларга нисбатан чуқурроқ шўнгийди. Бундан ташқари, оққушлар сувда сузувчи паррандалар орасида гавдаси ва вази жиҳатидан энг йириги ҳисобланади. Қанотларини ёйганда уларнинг узунлиги

икки метргача етади, вази, одатда, 15 килограммгача бўлади. Оёқ панжалари калта, шу боис ҳам юрган-да жуда ажойиб қадам ташлашига гувоҳ бўласиз. Уларнинг учишига ҳавас қилиш мумкин. Ҳар йили минглаб километрга бориб-кайтишни улар дам олмасдан уддалашади.

Узоқ масофаларга улар тўда бўлиб, узун учбурчак шаклда тизилиб учишади. Тўдага энг кучли "йўлбошчи" оққуш бош бўлади. Тўдабоши толиққанда унинг ўрнини бошқа бир қуш эгаллайди. Вази оғир бўлгани сабаб қанотларини қаттиқ қоқади, оёқ панжалари билан эса баланд масофага чиқишга ҳаракат қилади.

Оққушлар соатига 60—80 километр тезликда учadi. Нафислик ва поклик тимсоли бўлишига қарамай, улар ташқи хавфга нисбатан таъжовузор ва жангарли. Улар ўз худудларида бошқа ҳеч қандай жониворни кўришни истамайди, атрофида фақат ўз жуфтларигагина бўлишини хошлашади. Жуфтдан бошқа яна бирор оққушни кўрса, улар ашаддий душманини кўргандек, ҳамла қилиб, жангга шайланади. Шунинг учун ҳам ховуз ёки хавзада фақат бир жуфт оққушни кўришингиз мумкин. Агар фалокат йўламаса, жуфтлик 30—40 йил баҳамжihatликда яшashi мумкин...

Момик патли оққушлар



асосан Европа ва Осиёнинг шимолий қисмларида, шунингдек, Шимолий Америка, Жанубий Африка, Австралия ва Янги Зеландияда яшайди. Буни қарангки, оққушлар фақат оқ тусда бўлишмас экан. Уларнинг қора ранглиси ҳам бор. Бу турдаги оққушлар Австралия ҳамда Жанубий Америкада яшайди.

Жуфт оққушлар одамлардан узоқда жойлашган кўл, сой ва анҳорларнинг қирғоқларида, ҳаётининг учинчиртўртинчи йилларида уя қуришади. Март ойида бошлангандан "қурилиш" даврида ҳар иккала оққуш ҳам сезгир, жонсарақ бўлиб, ўз танлаган маконини ташқи таъсир ва кучлардан ҳимоя қилишга ҳаракат қилади.

Муҳаббат ва вафо тимсолларининг уйлари жуда катта бўлиб, мода оққуш учтадан еттигача тухум қўйиб, уларни жўжалари 35—38 кунда очиб қиқади. Эндигина ту-

тухум қўйишади.

Оққушлар, асосан, сув остидаги митти жониворлар ҳамда ўсимликлар билан озиқланади, бошларини вертикал ҳолда тез-тез сув остига тикиб егулик излайди. Баъзи ҳолларда эса улар қирғоққа чиқиб, ўт-ўланлар билан озиқланади. Хатар сезган пайтлари парвоз қилишмайди, аксинча, худди гозлар сингари сувга дам шўнгиб, дам бошларини ҳавога чиқариб, бехатар ерга сузиб боришади. Уйкуга кетганда эса тумшугини қанотлари остига бекитади.

Фоз, ўрдақ сингари паррандалардан фарқли равишда, оққушларга нон бериш уларнинг касалланишига, аксарият ҳолларда эса ўлимига ҳам олиб келиши мумкин.

Ривоятларга кўра, оққушлар ҳаётининг сўнгги лаҳзасида ажойиб куй "чалар" экан, унда ғамгинлик, ноумидлик ва ноиложлик оҳанг-

ТАБИАТНИ АСРАШ — КЕЛАЖАКНИ АСРАШ

Табият неъматларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш муаммоси йилдан йилга янада долзарброқ аҳамият касб этмоқда. Кўплаб халқро ташкилотларнинг она табият, ҳайвонот-наботот олами-ни муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларига қарамай, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, кўплаб жонивор ва яшил ўсимлик турларининг йўқолиб бораётгани жиддий хавотирларга сабаб бўлаяпти.

Ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш жараёнида атмосфера, сув, тупроққа турли ҳажмдаги қаттиқ, суяқ ва газ ҳолатидаги чиқиндилар ажралиб чиқади. Улар инсон саломатлигига ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Айниқса атмосферанинг заҳарли газ ва зарарли заррачалар билан ифлосланиши нафас олиш тизи-

мига жиддий зиён етказиб, оғир асоратлар қолдириши кузатишмоқда. Хўш, бундай шароитда нима қилишимиз керак? Атмосфера му-саффолигини таъминлашга қандай қилиб ўз ҳиссамизни қўйишимиз мумкин? Бунинг учун биринчи галда ўзимиз шахсий намуна кўрсатишимиз, имкон қадар атмосферага зарарли моддаларни чиқарувчи

уй-рўзгор буюмларидан воз кечишимиз, автомобиллардан камроқ фойдаланишимиз, улар ўрнига экологик тоза воситалар, табиий усуллардан фойдаланишимиз керак.

Шунингдек, уй-ҳовлиларимизга терак, тол, қайрағоч, шумтол, оқ акация, қора арча каби тутун ва чангга анча чидамли ўсимликларни экишимиз лозим. Дарахтлар чангни ушлаб қолишдан ташқари, микроклимга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ёзда ҳаво ҳароратини пасайтиради, шамол тезлигини секинлаштиради ва намликни бир қадар оширади.

Яшил масканларнинг микроклими анча мўътадил, кишилар соғлигига ҳам фойдали. Кайфиятига

яхши таъсир кўрсатади. Ям-яшил масканлар, хоҳ у шаҳар бўлсин, хоҳ қишлоқ, инсон баҳри дилини яшнатади. Аҳоли дарахт ўтказиш, гулзорлар барпо этиш билан бирга, уларни парвариш қилиш ва муҳофаза қилишни ҳам билиши лозим.


Агар ҳар биримиз шу каби эзгу мақсадлар йўлида ҳаракат қилсак, бу ишлар минглаб, миллионлаб кишилар томонидан қўллаб-қувватланса, она табиятга етаётган зарар оз бўлса-да камайишига эришамиз.

Нодира НАРЗУЛЛАЕВА,
Жондор туманидаги қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежининг география фани ўқитувчиси

2014-yil 23-aprel, № 33 (8682)

КУЁШ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШДА ЯНГИ УСУЛ

АҚШ ва канадалик бир гуруҳ олимлар Куёшнинг магнит майдони ҳақидаги маълумотлар асосида унинг фотосфераси тузилишини аниқлаш услубини ишлаб чиқишди. Бу ҳақда «The Astrophysical Journal Letters» илмий нашрида батафсил маълумот берилди.




Олам ёриткичининг магнит майдони ҳақидаги далиллар Куёш динамикаси обсерваториясида тўпланди. Астрофизиклар Куёш сиртидаги магнит майдон

тузилиши билан худди шу қисмдаги фотосфера гранулалари сони ва улар ҳажмининг ўзаро мос келишига эътибор қаратишди. Яқунда жараёнлар масштабининг тўрт тури аниқланди. Уларнинг икки тури улкан юлдуз фотосферасидаги гранулалар билан боғлиқ. Астрофизиклар ўз услубини оддий усулда изоҳлашди. Масалан, тураржой биноларини кузатиш имконияти бўлмаса, иншоотларнинг ҳажмини уларда яшовчи аёл ва эркеклар сонига қараб аниқлаш мумкин. Яъни магнит майдони ҳамда гранулалар сони ва ҳажмига қараб Куёшнинг ички қисми ҳақида айрим хулосаларга келиш мумкин.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Куёш фотосферасида қисқа муддатли (20 дақиқагача) ҳосил бўлувчи гранулалар плазма конвекцияси (плазма қатламларининг пастта ва юқориға ҳаракатланиши) натижасида вужудга келиб, уларнинг диаметри бир неча минг километрга етади. Баъзи ҳолларда эса диаметри бир неча ўн минг километр бўлган супергранулалар ҳам ҳосил бўлади.

ИНТЕРНЕТ — ОММАВИЙ ХАВОТИРЛАР САБАБЧИСИ

Бугун шифокорлар, интернет — замонавий тиббиётнинг душмани, деган фикрни қайта-қайта таъкидлашмоқда. Уларнинг фикрича, кўпчилик беморлар касалликлар ҳақида интернет тармоғи маълумотлари асосида ўзларига таъхис қўйиб, мустақил равишда даволашга уринишмоқда.



Аксарият интернет фойдаланувчилари малакали тиббиёт мутахассисларидан кўра форумлар ва ижтимоий тармоқлардаги гуруҳларга кўпроқ ишонишга эга бўлишмоқда. «The Times of India» нашрининг қайд этишича, шифокорларга нисбатан бу ишончсизлик бемор ва шифокор ўртасидаги муносабатларга таъсир кўрсатиб, соҳа ривожига тўсиқ бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Мазкур маълумот дунёнинг 27 шаҳридаги 650 нафар шифокор ўртасида ўтказилган сўровномада ҳам расман ўз тасдиғини топди. Унда иштирок этган 44 фоиз респондентлар аксарият беморлар ўз касалликлари ҳақида мутахассис берган маълумотдан кўра кўпроқ ахборотга эга эканлигини таъкидлашган.

Бироқ беморларнинг интернет орқали олаётган маълумотлари ҳар доим ҳам тўғри бўлавермаслигини унутмаслик лозим. Бунга 37 фоиз ҳолатда онлайн «маслаҳаттўй»ларнинг тиббиёт соҳасида олий маълумотга эга эмаслигидан ҳам билиш мумкин. Шунинг-



дек, сўровномада иштирок этган мутахассисларнинг қарийб ярми интернетнинг кенг тарқалиши бемор билан ҳамжиҳатликда хасталикка қарши курашишни бирмунча мураккаблаштиришини ҳам айтиб ўтишган. Аксарият мутахассисларнинг фикрича, кўпчилик интернет маълумотларини ўқиғач, касаллиқнинг оғир асоратлар қолдиришини ҳам билиб олади. Бу эса, ўз навбатида, хасталикка барҳам бериш ўрнига, кучайишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.


МАККАЖЎХОРИ БИОЁНИЛГИСИ ЗАРАРЛИ

Маккажўхоридан олинган биоёнилги Ер атмосферасини иссиқхона газлари билан одатдаги бензиндан кўра 7 фоиз кўпроқ захарлаши мумкин.

Янги тадқиқотларда АҚШнинг 12та штатида маккажўхори пояси ва барглари қайта ишлаб, улардан биоёнилги олиш жараёнида атмосферага чиқарилаётган карбонат гази миқдори аниқланди. Тадқиқот муаллифлари хулосаларига кўра, жараёнда атмосферага чиқарилувчи карбонат кислота гази миқдори бензин зарари билан қарийб бир хил.

Бироқ мазкур тадқиқот натижаларига эътироз билдирувчилар ҳам йўқ эмас. Жумладан, биоёнилги ишлаб чиқаришга ихтисослашган «DuPont» компанияси мутахассисларнинг қайд этишича, бу ерда биоёнилги тайёрлашнинг энг мақбул бўлмаган модели ўрганилган, бу эса тадқиқот натижаларининг ҳақиқатга унчалик тўғри келмаслигига сабаб бўлади.

Қайд этиш лозимки, аини пайтда биоёнилги ишлаб чиқаришда атмосферага чиқарилувчи газлар миқдори анъанавий ёнилгиларга қараганда 60 фоиз камроқ бўлиши белгиланган.



ПЛАНШЕТ ДИҚҚАТНИ ЖАМЛАШГА ТАЪСИР ҚИЛАДИ

Замонавий электрон қурилмаларнинг болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига таъсирини ўрганиш доимо мутахассислар диққат марказида. «The Telegraph» нашрида бу борадаги яна бир тадқиқот натижалари эълон қилинди.

Мақолада келтирилишича, Британия ўқитувчи ва мураббийлар ассоциацияси мутахассислари томонидан planshet компьютерларига кўп вақт ажратувчи болаларнинг оддий кубиклар билан ўйнаш ёки ручка орқали қозғога ёзишда қийналиши кuzатилган. Шунингдек, кечгача planshetда ўйин ўйнаган болалар кейинги кунги дarsларда диққатини жамлай олмаслиги ҳам аниқланган. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, planshetларнинг ёрқин экрани бола кўзларида доимий визуал қўзғатувларни келтириб чиқариб, диққатни бир жойга тўқилишига тўсқинлик қилади.

Шу боис ҳам мутахассислар ота-оналарга фарзандининг бўш вақтларда кўчада тенгдошлари билан ўйнашини, кечалари эса уйда «Wi-Fi» сингари интернетта улашиш тизимларини ўчириб қўйишни тавсия қилишмоқда.

Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА тайёрлади.



JUMLADA JAHON

yangiliklar o'xiridan

Жанубий Кореянинг «Ренхан» ахборот агентлиги томонидан «Севоль» кемаси ҳалокати оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар 104 нафарга етгани ҳамда бедарак йўқолган дея ҳисобланаётган 198 нафар йўловчининг қидирилаётгани маълум қилинди.

«Франс-Пресс» ахборот агентлигининг хабар беришича, йўловчи автобусининг юк автомобилига тўқнашиб кетиши оқибатида Покистон жанубидаги Синд провинциясининг Пано-Акил шаҳрида 42 киши, жумладан, аёллар ва болалар ҳаётдан кўз юмган ва яна 20 йўловчи жароҳатланган.

Мексика жануби-ғарбидаги Герреро штатида 7,2 баллик zilzila содир бўлиши оқибатида бир қанча биноларга шикаст етган, айрим туманлар аҳолиси электр таъминотисиз қолган.

Жамолунгма чўққисини забт этишга йўл олган альпинистларнинг олти нафари қор кўчкиси оқибатида ҳалок бўлгани ва яна 9 нафари эса бедарак йўқолгани ҳақида хабарлар тарқалди.

АҚШнинг Бостон шаҳридаги 4 қаватли тураржой биносида келиб чиққан портлаш ва ёнғин оқибатида унинг бир қисми қулаб тушган, ҳодисадан 12 киши, жумладан, қариялар ва болалар жароҳатланган, дея хабар беради «The Boston Globe» нашри.

Ушбу ҳафта аввалида «Боко Харам» террористик ташкилоти жангарилари томонидан гаровга олинган Нигерия шимолидаги мактабнинг 100 нафардан зиёд ўқувчисидан 52 нафари озод қилинган, яна 70дан зиёди эса террорчилар қўлида қолмоқда.

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти раҳбарияти ва жамоаси институтнинг Қорақалпоқ филиали директори, педагогика фанлари доктори
Енажон ЯНГАБОВЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия билдиради.

ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР ФИНАЛГА ТАЙЁР

Миллий матбуот марказида МХХ давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларининг худудий босқичлари якунлари ҳамда республика финал босқичи олдидан матбуот анжумани ўтказилди.

Ешларни МХХ чегара қўшинлари сафларида хизматни ўташ, ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун руҳан тайёрлаш, чегара қўшинларида кўмаклашувчи гуруҳлар таркибида чегара олди худуди доирасида давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш

да ихтиёрий равишда иштирок этишларини ташкил этиш мақсадида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Финал босқичида иштирокчилар 17та шарт бўйича ҳарбий соҳадаги билим ва жисмоний қобилиятларини намойён қиладилар. Шунингдек, иштирокчилар ҳарбий-спорт беллашувларидан ташқари Қуролли Кучлар ички тартиб-қоидалари асосида аскарлар ётоқхонасида яшаб, жанговар техника, ҳарбий хизматчиларнинг қўндалик турмуши, ҳарбий хизматнинг шарт-шароитлари билан яқиндан танишадилар. Анжуманда таъкидланганидек, му-

собақанинг жорий йилги худудий босқичларида чегара худудларидаги касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг 5 мингга яқин ўқувчилари иштирок этди. Мусобақага иштирокчиларнинг инглиз тили бўйича билимлари синновдан ўтказиш учун алоҳида шарт киритилди.

— Жамоамиз билан мусобақага тайёрланиш жараёнида бир оиладек ҳаракат қилдик ва худудий босқичда ғолиб бўлиб, мана, финалга етиб келдик, мақсадимиз воҳамизга ёрғуз билан қайтиш, — дейди Сўрхондорз виллоятининг «Бургут» жамоаси иштирокчиси Нозигул Абдусамодова.

Фуркат АЛИМАРДОНОВ

ОНАЖОН, ЎРИК ГУЛЛАБДИ...

Онажон, ўрик гуллабди... Яшнаб, яшариб, кулиб гуллабди. Ўрик гуллари кўнглингиздек оппоқ. Балки энди сочингиз каби оқдир.

Муштираим, эслайсизми, авваллари ўрик гуллашини, табиатнинг уйкудан эри-нибгина кўз очишини интиқлик билан кутар эдим. Март ойи келди, дегунча дарахтларни пойлаганим пойлаган эди. Уларнинг бир кундаёқ қийғос гуллашини истардим, интиқ кутардим. Сахар туриб, ўрик дарахти гул очганини кўрган заҳотим ҳаммадан суюнчи олишга ошқардим. Сиз эса менинг янгиликка, янгиланишу гўзалликка интилишимни кўриб ич-ичингиздан қувонардингиз.

Maktab

Онажоним, қаранг, ўрик жуда чиройли гуллабди. Ҳали яшил барглари чиқариб улгурмасидан дарахт бор-йўғини табиатга инъом этаётди. Худди оналар сингари. Она фарзандларидан ўз меҳрини аямагани сингари... Орадан йиллар ўтди. Мен талабалик мактабини олдим. Замонавий алоқа воситалари жонимизга ора кирди. Телефон орқали ўрик гуллагани билан қутлаб турдик.

Меҳрибоним, ўрик шундай қийғос гуллабдики, унга боқиб, нурга тўла юзингиз, дарёмисол жўшқин қалбингизни кўраёпман. Гул ҳиди димоғимга урилди. Йўқ-йўқ. Бу ҳид сизнинг аёло ифторларингиздан аёло бўла олмайди.

Ҳаёт — ташвиш. Ташвишсиз ҳаёт, ҳаётсиз ташвиш бўлмайди. Ширин ташвиш, аччиқ ташвиш... Дилхираллик кетидан, албатта, хурсандчилик келишига ишондик. Бир-бирини уланган қувончли онлардан кейин сергак тортидим. Ахир, бу — ҳисобли дунё. Ана-мана, дегунча, яшаш маъносини англаб етгунимча етти йил ўтибди. Сиздан олисдаги етти йил. Оғзимнинг бир бурчагидан чиқишини қаранг. Шу йиллари неларни кўрмади кўзимиз. "Қиз бола уйда меҳмон", дейишди. Мен илмга ташналик важида "меҳмон"ликини эрталоқ бошладим. Ота уйимга ҳар ёзги таътилдагина борадиган бўлдим. Сизнинг меҳроқибатга, эътибори ширин сўзга ташна қалбингизни эса... ўйламабман.

Ширин-аччиқ ташвишлар оёқларимни шу қадар боғлаб олибдики, ишонсангиз, бу йил баҳор келганини сезмай ҳам қолибман. Қаранг, одагга айланган бефарқликини ҳаёт ташвишлари, қийинчиликлари билан беркитаяпман. Кимда йўқ экан, бу ташвиш улғурди!

Онажон, биламан, сиз мендан ўрик гуллагани ҳақидаги севинчли хабарни бундан анча олдин кутгансиз. Интиқ кутгансиз. Ташвишли, бесаражом кутгансиз. Чунки ўрик анча олдин гуллаган эди.

Ишонасизми, шу дам ўзимни ўзим қийнабман. Қаердан шундай лоқайд одамга айландим? Ҳаётнинг ўткинчи ҳаваслари, шунчалик оромини ўғирладими? Нималаргадир тинмай интилиш шунчалик тез мени ўзига ром этдими? Ўрик гуллашини тезда пайқаб, сизга табрик йўллашга ошқадиган қизингизга нима бўлди? Йўқ, бунга серташвиш ҳаётни айболоқдан йироқман (бу инсофдан эмас). Бўлмаса, яқинларимиздан ажратиб қўётган ижтимоий тармоқлар айбдорми? Йўқ. Унинг таъсири оз бўлса-да, бордир. Аммо асосий айб ўзимда эмасми?

Онажон, ўрик гулидек нозик кўнглингизни, қанийди, қафимда тутга олсам, ардоқлай олсам, асрай олсам! Сизни жуда соғиндим. Мен сизни кеч бўлса-да, ўрик гуллагани, табиатнинг уйғонгани, гўзал баҳор кириб келгани билан табриклайман. Биламан, мени кечирасиз. Илоҳим, Яратган мен каби лоқайдларга уйғоқ қалб ато этсин.

Онажон, ўрик гуллабди... Яшнаб, тўлиб-тошиб гуллабди. Ўрик гуллари кўнглингиздек оқ. Сочингиздек оппоқ...

Соҳиба МУЛЛАЕВА

Илк қадам

Зал томошабинга тўла. Концертининг кечикиб бораётганлиги барчанинг хунобини оширади, кимдир бетоқатликдан ер депсинди, яна бошқаси умид билан тез-тез сахна томон қараб қўйди. Ниҳоят, қутилган дақиқалар етиб келди. Парда кўтарилган, ижрочининг номи эълон қилинди. Сочларига оппоқ тасма боғлаган, қўлида чолғу камончасини тутган қизалоқ чиқиб келди. Барчага таъзим қилди-да, жуссасидан бир неча баробар катта виолончелга яқинлашди. Устози бот-бот таъкидлаганидек, қўлни ич-ичидан қис қилиш, руҳан боғланиш учун кўчаларини охишта юмди. Камонча торлар узра аста ҳаракатлана бошлади... Куй авжига чиққан пайт мўъжизага томошахона тоқилари гўмбурлаб кетди гўё, барча сеҳрланди. Дастур ниҳояланганча, олқишларнинг энг қўпи Дилоромга бўлди. Дуторчи, доирачию рубобчилар орасида

San'at va siyrat

дақиқа тин олдию (худди илк ижродагидек), кўзларини юмди ва бутун борлиги қулоққа айланди. Таранг тортилган симлардан таралган мусиқа садолари зални қоплаб олди...

Келажакка тикилган нигоҳ

Консерватория эшиклари Дилором Ботирова учун кечаги кундан эртанги тонгга олиб чиқувчи йўл бўлди. Иштихондаги муваффақият, янги басталанган куй — бари Дилоромга бир неча эшикларни очди. Устозлар кўмаги, тавсияси асосида жаҳон сахналари ўзбек қизининг виолончелда ижро этган куйидан баҳраманд бўлди, ўзи тақдирланди. Узоқ мuddатли меҳнат эса уни устозлик рутбаси билан мукофотлади. Мана, Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган му-

бир гуруҳ ёшлар устозлари билан биргаликда тақлиф қилинган. Гумбазлари улкан сахнада барча бор кучи, маҳорати билан ижросини маромига етказишга уринарди. Навбат Дилнозага, сўнгра Давронга етиб келди. Икки ёш санъаткор камончасини торлар узра юритар экан, на ортида устози Дилором Ботирова андак ҳаяжон, андак қўрқув билан юрак ҳовучлаб ўтирарди. Барчаси яқунланди. Энди ўринлар эълон қилиниши, тақдирлаш маросими қолди, холос. Барчанинг асаблари таранглашган. Биринчи ўриннинг Дилнозага, гранпрининг Давронга насиб этганлиги эълон қилинган, устознинг меҳнатлари зое кетмаганлиги кўринди. Қўшалоқ мукофот топширилиши баробарида яна бир эътироф — педагогик маҳоратни юқори даражада эгаллагани учун Дилором Ботирова фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Танлов миқёсида фақатгина уч ки-

СОЗ СИРИ

виолончел маликаси алоҳида эътироф этилди. Энг қаттиққўл устози "Сенга ишонганим, лекин қўрқувим сеникидан минг чандон зиёд эди", дея ўқувчисининг бугунги ижросини "беш"га баҳолади.

"Юракдан ҳис қил, токи ўзгалар қалбини забт этсин..."

Мусиқадаги маънони ҳар ким ўзича тушунади; ҳиссиётлар турлича акс этади. Тингланаётган куй бир инсонни йиғлатса, ўзгани ўйга толдириши мумкин ёки, аксинча. Барчанинг таъби бир хил эмас.

Талабалик даври. Ўзбекистон давлат консерваториясининг ижодхоналарида яна бир истеъдодли қизнинг машқлари давом эта бошлади. Жаҳон классик мусиқасининг нодир намуналарини ўрганиш мобайнида икки қарра масъулият зиммага юкланар, талабчанлик кундан кунга ортарди. Машаққатли машқлар, ноталар оҳангжомаси талаба қизнинг тинчасини қуритар, тунлари уйку бермай азобларди. Ҳар доим "Мусиқани ҳис қил", деган жумла миёсида чарх урарди. Устози Озод Акбаров эса: "Агар мусиқачи чалаётган куй қалб қаъридан отилиб чиқмас экан, бари бекор, беҳуда. У тингловчи юрагидаги "муз"ни эритмайди", дея тақдор ва тақдор уқтириб келарди ва бир куни бунга эришди. Битирув имтиҳонининг натижаси унинг кейинги зинага қадам қўйишига имкон яратди ёки йўқ. Кўпчилик бир-бир "йиқилмоқда". Охири унга навбат етиб келди. Қўлидаги камонча, олдидаги виолончел кўзларига тирик мавжуддек кўринарди. Бир

сиқа академик лицейида ишлаётганига ҳам ўттиз икки йил бўлди. Келажакка тикилган нигоҳ ўз манзил-мақомини топди — шогирдлар давраси унинг учун муқаддас жойга айланди. Даврон Зиёджонов, Дилноза Асадова сингари шогирдларига виолончелнинг жамики сир-асрорини ўргатди...

Услуб — инсоннинг ўзи

Кимдир айтганди: "Ўзига хос услуби бўлмаган ижодкор ўз йўлини тополмаётган йўловчига ўхшайди". Инсонни ўзгалардан ажратиб кўрсатувчи, бетакрорлигини англашувчи ҳам унинг услубидир. Услуб мусиқа олами учун жуда муҳим. Мўъжизакор оҳангда ижрочининг бор маҳорати, қалб кечинмалари — услуби намоеён бўлади. Талабчан устоз эса айтади:

— Ҳозир замонавий технологиялар мусиқа дунёсига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бугун кимнинг ижросини тингламанг, албатта, янгича услубда тақлид қилади. Бироқ менинг услубимда замон ортидан қувиш, ҳақиқий мусиқага, янги экан, дея услублар қоришиқлигини қўйиш "санъати" йўқ. Сабоқ бераётган ўқувчиларимга ҳам имкон қадар классик мусиқа намуналарини ўргатаман. Бундан асосий мақсадим, бола ҳаққоний мусиқа билан қоришиқ мусиқани фарқлай олсин.

Ёзувчи Шукур Холмирзаев таъбири билан айтганда эса, услубда ҳамма нарса мужасам: дунёқарашдан тортиб, нуқта қўйишгача...

Яна бир эътироф

2013 йилнинг 10 ноябри. Санкт-Петербург шаҳри. Халқаро "Серебрянный камертон" танлови. Ўзбекистондан ҳам

га муносиб кўрилган бу эътирофнинг соҳибаларидан бири талабчан, меҳрибон устоз бўлди.

Замонлар оша...

— Менинг бор-йўқ сирим шунчаки тасодиф натижаси эмас. Бу — узоқ мuddатли меҳнатнинг самараси. Қўлимга биринчи марта виолончел камончасини олганимда негадир шу мусиқа асбоби билан ўзимда ўхшашлик топдим. Узун-узун торлардан таралаётган оҳанг митти юрагимни эгаллаб олди, ортга қайтишнинг чораси қолмаганди. Оила аъзоларимдан мен билан акамгина (рассом) санъатнинг азобли, бутун вужудни бахш этишни талаб қилувчи соҳасини танладик. Акам мойбўёқларда ўз ҳиссиётларини яратса, мен унга куй басталайман.

Талабалик пайтимда устозим Озод ака: "Сен ўз созининг табиатини ўрган", дердилар. Йиллар ўтди, мусиқий маҳоратим ортиб борар экан, устозим айтган ҳар бир сўзнинг маъзини чақа бошладим. Биласизми, шунда нима рўй берди. Мен виолончелнинг ҳақиқий тилига тушуна бошладим. Унинг тақрорланмас, ягона ижро мўъжизаси учун атайин яралганлигини ҳис қилдим. Ҳазрат Алишер Навоийнинг сўнги дostonи "Лисонут тайр"да "Агар қўшиқ ва нағмада огоҳлик мавжуд бўлса, бу тоат вақтидаги гумроҳликдан яхшироқ саналади", дея эътироф этилган. Фақат мусиқагина барча замонларни энгиб ўтиб, доимо келажак сари интилади. Шунинг учун ҳам биз айтолмаган нарсаларни у айтади.

Чарос НИЗОМИДДИНОВА,
ЎЗМУ талабаси

2014-yil 23-aprel, № 33 (8682)



СПОРТ МАЖМУАЛАРИ КЕЛАЖАК УЧУН

Саломатлик — туман бойлик, дейди доно халқимиз. Аҳоли соғлигини мустахкамлаш, айниқса, болаларимизни оммавий спорт турларига қизиқтириш орқали ҳам жисмонан, ҳам маънан ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Кишлоқларимизда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техник базасини шакллантириш, умумтаълим мактаблари қошида ва аҳоли яшаш жойларида замонавий спорт иншоотларини қуриб, спорт анжомлари билан жиҳозлаш бу борада асосий вазифалардан бирига айланди.

Қарши туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли II ТИП спорт мажмуаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан барпо этилмоқда. Тендер баҳоси 2 миллиард 310 миллион 285 минг сўм қийматга тенг бўлган қурилиш ишларини «Мелиоратор МКК» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари амалга оширишмоқда.

Айтиш жоизки, спорт мажмуасида 18х42 метр ўлчамдаги ёпиқ залдан ташқари, 960 ўринли томошабинлар учун мўлжалланган трибуна, 90х50 метр ўлчамдаги

футбол майдони, югуриш йўлакчалари, баландликка сакраш, узунликка сакраш, ядро улоқтириш, найза ва граната улоқтириш жойлари, волейбол ва баскетбол майдончалари ҳам барпо этилмоқда.

Шу йилнинг февраль ойида бошланган қурилиш объекти мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиёнаси арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда.

— Спорт мажмуаси битказилиб, фойдаланишга топширилгач, спортчи ёшлар сони янада ошиши шубҳасиз, — деди спорт мактаби

директори Рўзибой Арабов. — Чунки қурилиш жараёнини энтиқиш билан кузатаётган болаларга ҳар кун кўзимиз тушаяпти. Улар биноларнинг тезроқ битишини истаиди. Албатта, фарзандларимизнинг спортга бўлган бундай илиқ муносабатини кўрганда тўлқинланиб кетамиз. Мазкур спорт иншоотлари туманимиз ёшлари учун кенг имкониятлар эшигини очади. Шундай экан, спорт мактабимиз тарбияланувчилари орасидан келгусида кўплаб мамлакат, Осиё ва жаҳон чемпионлари этишиб чиқса, ажаб эмас.

Жорий йилда Қашқадарё вилоятида жамғарма маблағлари ҳисобидан яна 9та умумтаълим мактабида 12х24 метр ўлчамдаги спорт заллари қурилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Бундан ташқари, Қарши шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун бадий гимнастика зали қурилиши ҳам давом эттирилмоқда. Шунингдек, Ко-

сон туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби капитал реконструкция қилинмоқда, Шахрисабз туманидаги 2, 16-, Қамаш туманидаги 6-болалар мусика ва санъат мактаби II ТИП асосида бунёд этилаётган бўлса, Нишон туманидаги Толлимаржон шаҳарчасида жойлашган 13-болалар мусика ва санъат мактаби капитал таъмирланмоқда. Вилоятдаги қурилиш ва капитал таъмирлаш ишларида жамғарма томонидан 2014 йил мобайнида жами 20 миллиард 986 миллион 400 минг сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Замонавий типда янги қурилаётган, капитал таъмирланаётган спорт ва санъат иншоотлари узок йиллар болаларимизга хизмат қилади, уларнинг жаҳон ареналарида дадил қадам ташлаб, юксак марраларни забт этиши учун асос вазифасини ўтайди.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

МУВАФФАҚИЯТЛАР ПОЙДЕВОРИ

Истиқлол йилларида спорт ва таълим-тарбия соҳасининг бир-бирига уйғун тарзда ривожлантирилиши ёшларнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик, энг муҳими, ўз қарашларида собит, интеллектуал салоҳиятли, замонавий билимларни эгаллашга иштиёқ балинд ўғил-қизлар бўлиб ўлгайишига мустахкам замин яратаяётгани ҳаётда исботини топмоқда. Натижада жисмоний тарбия ва спорт тарбиянинг муҳим мезони, ўғил-қизларнинг кундалик эҳтиёжига айланди.

Ана шундай куч ва ғайратга тўла ёшларимиздан бири Бухоро вилояти Ғиждувон педагогика коллежининг жисмоний тарбия ва болалар спортини йўналиши 1-босқич ўқувчиси, каратэ бўйича 3 карра ўзбекистон чемпиони Бекзод Тўйғуновдир.

Изланувчан, ўз устида тинмай ишлайдиган бу спортчи халқаро мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, 2011 йили Туркиянинг Истанбул шаҳрида каратэ бўйича ўтказилган очик турнирда 35та давлат спортчилари орасида фахрли 3-ўрин, 2012 йили Озарбойжоннинг Боку шаҳрида ўтказилган очик турнирда 35та давлат вакиллари орасида фахрли 1-ўрин, 2013 йил 4 декабрда Дубай шаҳрида бўлиб ўтган

Осиё чемпионатида 2-ўринни эгаллади.

Бекзод спорт билан шугулланибгина қолмай, ўзининг аъло баҳоларга ўқиши, намунали хулқи, меҳнатсеварлиги билан устоз-мураббийлари ва дўстлари орасида ҳурмат-эътибор қозонди.

Бекзоднинг янада юксак чўққиларни эгаллаши учун коллежининг барча жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ўз меҳнатларини, маслаҳатларини аямасдан, қўшимча тарзда спорт машғулоти олиб бормоқда. Коллеж ўқувчиларининг ўқиши, спорт билан шугулланиши учун кенг имкониятлар яратиб берилгани бундай муваффақиятга пойдевор бўлмоқда.

Фируз ҚҮЛДОШЕВ,
Ғиждувон педагогика коллежи ўқитувчиси



ЗАМОНАВИЙ СПОРТ МАСКАНИ

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 400 нафарга яқин ўғил-қиз спортнинг футбол, кураш, дзюдо, бадий гимнастика, стол тенниси, енгил атлетика ва шахмат турлари билан мунтазам шугулланмоқда.

Замонавий шароитларда 22 тажрибали мураббий-ўқитувчи раҳбарлигида маҳоратини ошириб бораётган ёшлар туман, республика миқёсидаги спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Суратда: Амударё туманидаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида.

ЎЗА ФОТОМУХБИРИ
Максад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат.



Мухтаром
Ҳабиба Акбарова!

Таваллуд айёминигиз билан салимий муборакбод этамиз!

Мактабгача таълим муассасасида салкам 35 йилдан бери самараларни меҳнат қилиб келаяёсиз. Болажонлар таълим-тарбияси йўлидаги камтарона меҳнатингиз «Шухрат» медали билан рағбатлантирилгани қувонарли.

Азиз мураббий, сизга узок умр, саломатлик ва келажак авлод тарбиясига қўшаётган ҳиссангизда зафарлар тилаймиз.

Ҳурмат билан Зангиота туманидаги 31-МТМ жамоаси ва оила аъзоларингиз.

Шахмат сабоқлари



Сабоқларни FIDE
устаси, мураббий
Маматқул Хайлаев
олиб боради

ЎЙИННИНГ БОШЛАНГИЧ КИСМИ

дебютнинг уч қоидаси

22-дарсининг давоми

Энди ўйин бошларида у ёки бу томоннинг хатоси туфайли тез яқунланган бир неча партияни кўриб ўтайлик. Матнлар қисқача ёзувда берилмоқда.

1. e4 e5 2. f4 f5 3. f3h5?!
Фарзининг тезда ўйинга чиқарилиши яхши эмас.

Хозир қоралар 3... f3e7 ўйнаб e5 ва f7 пьедларини қўриқлаши лозим эди.

3... d6?? Эҳтиётсизлик.
Қоралар e5 пьедасини ҳимоя қилди.


Лекин... 4. f3:f7 х
моти «қўрмай» қолишди (65-шакл).
Яна бир мисол:

1. e4 e5 2. f3 f3 3. f4 d4 ?!

Агар эҳтиёж бўлмаса, бир сипоҳ билан дебютда икки-уч юриш қилиш яхши эмас. Айни дамда қоралар тузоқ қўймоқда.

4.0: e5 f3g5 5.0:f7 f3:g2 6. f1 f3:e4 7. f2d2 f3f3 x.

65-шакл



Бу — «Бўғиқ мот», дейилади (66-шакл).

Доналарни жой-жойига териб яна бир қизик учрашувни томоша қилайлик.

1. e4 e5 2.0f3 d6 3.f4 h6 ?!

Бошловчи шахматчилар йўл қўядиган одатдаги хато. Оқлар икки сипоҳини ўйинга чиқарди, қоралар эса эҳтиётсиз пьедасурмоқда. Вақтни йўқотмасдан от ва филларни ривожлантириш керак.

4. Oc3 f4g4?

Бу эса, оқларга чиройли яқунловчи зарбалар бериш учун имкон беради. Лекин бу зарбаларни топиш осон эмас.

5.0e1 f4d1

Энг яхшиси, 5... d5 ўйнаб, 6.f3:g4 дан кейин пьедасиз қолиш эди. Аммо бутун бир фарзинини олмай бўладими?! Балки оқлар фарзинини унутиб қолдиргандир?

Йўқ, улар чиройли яқун учун энг кучли сипоҳини қўриб қилмоқда. 6. f3:f7+ 7.0:d5 x.

Сиз бу ажиб ҳолатни илк бор кўриб турибсиз (67-шакл). Лекин у икки аср муқаддам — 1787 йили ўйналган. Француз шахматчилари Легал ва Сен-Бри учрашувни ана шундай яқунланган эди. Шундан бунён бўйи таърибада тез-тез учрайдиган бўлди ва «Легал моти» номини олди.

Қуйидаги қисқа ўйинлар ҳам таърибада тез-тез учраб туради.

1. e4 e5 2.d4 d5 3. Oc3 d6 4. 0:e4 Of6 5. f3 e2

«Тузоқ» қўйилди.

5... 0bd7? 6.0dbx

Яна бир мисол.

1. d4 d5 2.c4 e6 3.0c3 Of6 4.fg5 0bd7 5.cd ed 6.0:d5?

Бу сафар оқлар «тузоққа» илindi.


6... 0:d5! 7.f:d8 f3b4 + 8.f3d2

Оқлар фарзинини қайтариб беришга мажбур.

Энди қораларда бир сипоҳ ортиб қолади.

8... f:d2 9. f3:d2 f3:d8

67-шакл



САВОЛ ВА ТОПИШРИҚЛАР:

1. Дебют нима?
2. Ўйин бошларидаги уч асосий қоида нималардан иборат?
3. Марказнинг қандай муҳим аҳамиятлари бор?

ШАХМАТ ТАРИХИДА

Осиё — шахмат ватанидир. Юртимиздаги қадимги одамлар манзилгоҳи — Далварзинтепада (Сурхондарё вилояти) IV асрга оид шахмат доналари топилган. Қарий бир ярим минг йил аввал Ҳиндистонда бу ўйин «Чатуранга» деб аталган. «Чатуранга» турт томонда ўтирувчи рақиблар ўртасида ўйналиб, «Турт қўр», «Турт қўр» маъноларини англатган. Доналар ва ўйин қоидалари ҳам бошқачароқ бўлса-да, бу ҳозирги шахматнинг дастлабки кўриниши эди.



Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи шу йилнинг 6 мартидан 31 майга қадар «Китоб — даромад манбаи» номли янги баҳорги акция ўтказилаётганлигини маълум қилади.

Акцияда иштирок этиш учун лицей, коллеж, олий ўқув юртлири ўқувчи ва талабалари, шунингдек, барча адабиёт ихлосмандлари таклиф қилинади.

Ижодий уй томонидан акция иштирокчиларига ҳар бир сотилган китобдан 10% миқдоригача пул мукофоти берилади.

Акция давомида ўзини кўрсата олган иштирокчиларга совғалар берилади ва улар ижодий уйга савдо агенти сифатида ишга олинади.

Акцияда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин:

241-83-29, 144-41-82, (+99893) 554-38-53, (+99898) 117-75-51.

E-mail: iptd gulom@sarkor.uz, info@gglit.uz, kitobxon71@mail.ru.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 86-уй.

Диққат
акция!



Men MENING
SHAHRIMni tanladim!

Sen-chi?

MENING SHAHRIM.
TA'LIM —
MENING REPETITORIM!

10 ta fan bo'yicha
TESTLAR
o'zbek va rus tillarida

Guvohnoma №005067-03

(99871) 283-23-79, 283-39-34, www.mg.uz

SHAHRIM

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYO-
ROV, Farrux JABBOROV (bosh
muharrirning birinchi o'rinbosari),
Husan NISHONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), Farhod RIZAYEV,
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Mirzakarim XUDDIYEV,
Xayrulla ABDURAHMONOV
(mas'ul kotib), Aleksey CHUKARIN
(mas'ul kotib, "Учитель Узбекиста-
тана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEXS: 149, 150. Г-426.
Tiraji 57909.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»-dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taq-
qil olmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-
53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-
54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:
Xayriddinmurod ABULFAYZOV.

Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy
1 2 4 5

Yza aksuz — 21.35
Topshirildi — 21.50